O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, **27** ноябрь, жума № **48** (2331). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **27** ноября, **2009** год, № **48** (2331). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

ҲАРБИЙ МАҲОРАТ СИРЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ЧУҚУР ЎЗЛАШТИРИШ ҲАР ҚАЙСИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ – ОДДИЙ АСКАРДАН БОШЛАБ ЮҚОРИ ҚЎМОНДОН УЧУН ҲАМ – ДОИМИЙ, АСОСИЙ ВАЗИФА ВА МАҚСАД БЎЛИБ ҚОЛИШИ ШАРТ.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

2009 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2009 ЙИЛ 7 ДЕКАБРЬ ДУШАНБАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2009 йил 5 декабрь шанба дам олиш куни 2009 йил 7 декабрь душанбага кўчирилсин.

5 декабрь шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 25 ноябрь



Ватанни ҳимоя қилиш — конституциявий бурчим!

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН САМОЛЁТ ПАРВОЗДА

«O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпанияси авиапаркига ўзимизда ишлаб чиқарилган яна битта янги модификациядаги «Ил -114 -100» самолёти қўшилди.

Пойтахтимиздаги "Тошкент" аэропортининг учиш-қўниш йўлагига авиалайнер келиб қўнди. Уни "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамиятидан миллий авиакомпаниямиз учувчилари олиб келди. Ҳаво кемасини тантанали топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Давлат авиация назорати, «O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпанияси, "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамияти вакиллари иштирок этди.

«O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпанияси бош директори В.Тян мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан фуқаро авиацияси ва бутун авиация саноатини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг авиасозлар, авиаташувчилар ишлари ҳамда эҳтиёжларига қаратаётган доимий эътибор ва ғамхўрлиги туфайли улар салмоқли натижаларга эришмоқда. Ҳамкорликдаги ушбу лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилгани ҳам шундан далолатдир.

«O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпанияси "Ил-114-100" ҳаво кемаларидан бир неча йиллардан буён самарали фойдаланиб келмоқда. Ушбу самолётни ишлаб чиқаришда авиаташишлар бўйича замонавий бозорнинг барча талаблари ҳисобга олинган ва у учиш-техник ва иқтисодий жиҳатларининг уйғунлиги билан ажралиб туради. Самолёт авиаёқилғини сарфлаш бўйича ниҳоятда тежамкорлик хусусиятига эга .

"В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган ушбу қулай лайнер тўлиқ модернизация қилинган. У синовдан муваффақиятли ўтди.

Экипаж кабинасига, жумладан, бошқарув ускуна ва пультларини жойлаштиришга ўзгартишлар киритилган. Приборлар тахтаси дисплейларидаги кўрсаткичлар рангларининг аниқлиги янада яхшиланган. Янги ускуна аввалгиларидан ихчамлиги ва енгиллиги билан фарқ қилади. Бу салон радиоотсекида қўшимча жой бўшатиш ва ундан йўловчилар кийимларини осиш учун фойдаланиш имконини берди. Буларнинг барчаси самолёт вазнини 430 килограмм камайтиришга имкон яратди ва бу олис масофага парвоз қилишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳаво намлигини сақлаш ва шамоллатиш тизими узлуксиз ишлайди, бу бизнинг шароитимизда ниҳоятда муҳимдир.

52 нафар йўловчига мўлжалланган ушбу самолёт 1250 километр масофага соатига 500 километр тезликда учади. Фойдаланилаётган авиадвигателларнинг ёқилғи самарадорлиги ҳаво кемасига бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шундай русумдаги самолётлари билан рақобатлашиш имконини беради. Ундан республикамиз ичида ва МДҲ мамлакатларига мунтазам парвозларни амалга оширишда фойдаланилади.

Ўзимизда ишлаб чиқарилган "Ил-114-100" ҳаво кемалари «O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпанияси томонидан бажарилаётган парвозлар чоғида сервис хизматларини яхшилаш ва қулайликни оширишга хизмат қилади. Миллий авиакомпания яна тўртта шундай самолёт олиш ниятида. Улардан "Як-40" ва Ан-24" самолётлари ўрнида фойдаланилади ва йўловчиларга қулай ҳамда хавфсиз парвоз қилиш имкони яратилади.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда сиёсий партиялар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш масаласи кўриб чиқилди.

Мажлисда таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссияси сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлигини батафсил текширди.

Марказий сайлов комиссияси текшириш якунларига кўра ва Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунининг 26-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 517 номзодни, шу жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 123, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 125, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 135, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 134 номзодни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Таъкидландики, сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш бўйича барча тадбирлар қонунчилик талабларига қатъий мувофиқ ҳолда, ошкоралик ва очиқлик муҳитида амалга оширилган.

(Давоми 3-бетда).


4 ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗНИНГ 18 ЙИЛЛИГИГА
БИЛИМ, МАҲОРАТ, ТАЖРИБА ВА МАЛАКА – АМАЛИЁТДА СИНАЛАР


7 ASKAR
YURTNI QO'RIQLAYDI ASL O'G'LONLAR


19 ТАШРИФ
НАВОИЙНИ АНГЛАШ САОДАТИ


24 ОБУНА-2010
«ВАТАНПАРВАР» – БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

ЖАРАЁН

Битирув тантанаси

ЮКСАК ЭЪТИРОФНИ ОҚЛАШАДИ

Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабида навбатдаги битирувчиларга тантанали суратда сертификатлар топширилди.



Кичик командирларнинг ўз соҳасининг профессионали, билимли ва тажрибали посбон бўлиб шаклланишида, командирлик салоҳияти ва ҳуқуқий илмларга эга бўлишида, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама етук, ўз касби, мутахассислигининг моҳир устаси, бурчига ва шарафли номига муносиб бўлишида Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларининг ўрни ниҳоятда каттадир. У ерда кичик командирлар ҳақиқий ватанпарвар, ҳарбий соҳанинг асл устаси бўлиб шаклланиш йўлида бир қатор мутахассисликлар бўйича таълим олиб, маҳоратларини оширишмоқда.

Битирувчилар соҳалари бўйича малакали устоз-офицерлардан таълимнинг янги дастури асосида сабоқ олишиб, ўз билим ва маҳоратларини янада мустаҳкамлашди. Уларнинг мукаммал билим олишлари учун билим масканида барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Ўқув хоналар, спорт заллари ва шаҳарчаси, компьютер хонаси замон талаблари асосида жиҳозланган. Илмий, ҳарбий ва бадиий адабиётларга бой кутубхона ҳам курсантлар ихтиёрида. Битирувчилар билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг барчаси ҳукуматимиз томонидан кичик командирларга катта эътибор берилаётганини, профессионал посбон бўлиб шаклланишлари учун улкан ғамхўрлик кўрсатилаётганини алоҳида эътироф этишди.

– Сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, билимимни бойитганимдан жуда мамнунман, – дейди курсант Шавкат Ғаниев. – Боиси бу ерда ўз соҳамдан ташқари кўплаб мутахассисликлар бўйича ҳам қўшимча сабоқ олдим. Машғулотлар кўргазмали қуроллар асосида тажрибали офицер-устозлар томонидан юксак савияда олиб борилди. Бу эса биз курсантларнинг ҳар бир йўналиш бўйича етарли билимга эга бўлишимизда муҳим омил ҳисобланади.

Курсантларга сертификатлар тантанали равишда топширилганидан сўнг бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан офицерлар Равшан Дадабоев, Илимдар Ильясов, Қурбон Аминжанов, Абдувоҳид Бозоров, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ва меҳмонлар кичик командирларга улкан парвозлар тилашиб, миллий армиямиз сафлари мана шундай юксак салоҳиятли ва профессионал кадрлар билан тўлиб бораётганини алоҳида таъкидлашди. Курсантлар Ўктам Жумақулов, Адилбек Рисқулов, Икром Пўлатов, Вали Жумақулов каби ўнлаб битирувчилар мактабни имтиёзли ҳужжат билан тугатишди.

Ҳа, бугунги битирувчилар ҳарбий касбни шарафли билиб, замон талабига монанд, олға қадам ташлаётган шижоатли ўғлонлардир. Уларнинг армиямиз суянчи ва таянчи деган юксак эътирофни оқлашларига ишончимиз комил.

Кичик сержант Нозим АҲРОРОВ.
Муаллиф суратга олган.

Республика ҳарбий прокуратурасида

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасида «Жиноятчиликнинг олдини олиш, қонун бузилишларини профилактика қилиш, давлат мулкининг сақланиши ва ҳарбий хизматни ўташ учун хавфсиз шарт-шароитларни таъминлашда ҳарбий прокуратура органлари ва Қуролли Кучлар назорат-текширув идоралари ҳамда хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги» мавзусида мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳарбий прокуратура органлари ходимлари ва мазкур муассасаларда хизмат қилаётган ёш мутахассислар ҳамда соҳага масъул офицерлар иштирок этишди.

Маълумки, Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини ошириш ва ҳарбий хизмат шарт-шароитларини яхшилаш, жумладан, шахсий таркиб хавфсизлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, қонун бузилишларининг олдини олиш ва профилактика ишларининг самарадорлигига эришиш доимий диққат-эътиборда турган устувор вазифалардандир.

Ушбу муҳим масалани муваффақиятли ҳал этиш учун бу йўналишдаги ишларни тўғри ташкил қилиш ҳамда соҳа ходимлари фаолиятларини ўзаро мувофиқлаштириш бугуннинг талабларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тегишли буйруғига мувофиқ, прокуратура органлари назорат фаолиятларини ташкил этишда, қонунбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишда ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликни янада яхшилаш чоралари кўрилиши лозимлиги кўрсатилгани ҳам ушбу вазифанинг ижросини таъминлаш борасидаги муҳим тадбирлар сирасидан саналади. Ундаги асосий талаблардан бири – бу назорат-текширув идоралари билан ўзаро амалий алоқалар ўрнатилиб, қонунлар ижроси устидан биргаликда текширувлар ўтказиб борилдир. Шунингдек, мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам аввало, ҳарбий прокуратура органлари офицерларини Қуролли Кучлар назорат-текширув идоралари ва хизматларининг фаолият мазмуни, йўналишлари ва тушунчаларидан хабардор этишдан иборат.

Бўлиб ўтган мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида шулар ҳақида гап борди. Унда сўзга чиққан Республика ҳарбий прокуратураси масъул ходими адлия капитани Д. Тоҳиров жиноятчиликнинг олдини олиш, қонун бузилишларини профилактика қилиш, давлат мулкининг сақланиши ва ҳарбий хизматни ўташ учун хавфсиз шарт-шароитларни таъминлашда ҳарбий прокуратура органлари ва Қуролли Кучлар назорат-текширув идоралари ҳамда хизматларининг ҳамкорликдаги ишлари аҳволи, эришилган натижалар хусусида батафсил тўхталди.

Шунингдек, кун тартибидаги масалалар юзасидан офицерлар О. Валиев, Т. Ешниязов, Р. Тўхтаматов ва О. Парманқуловлар ҳам маъруза қилди.

Адлия подполковниги Фарҳод ОМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА



Прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда кадрларни тўғри танлаш ҳамда тарбиялаш, уларнинг касб-маҳорати ва малакасини ошириш соҳа фаолиятини ташкил этишнинг энг муҳим омилларидан бири этиб белгиланган. Шу боис Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан ёш мутахассислар касбий маҳоратини, масъулиятини ошириш, ўз ишининг устаси бўлиб шаклланишларига эришиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси ҳамда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ана шундай тадбирлардан бири Ҳарбий прокуратура органларида хизматни ўтаб келаётган ёш мутахассислар билан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон – фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг асосий кафолати» мавзусида ўқув-амалий машғулоти ўтказилди.

Амалий-семинар машғулотларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Республика Ҳарбий прокурори генерал-майор Ш. Узоқов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси ректори Қ. Назаров кириш сўзи билан очиб, анжуман қатнашчиларига Конституциямиз қабул қилинишининг тарихий аҳамияти, мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадлар дахлсизлигини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ҳарбий прокуратура органларига юклатилган вазифалар, соҳа ходимларининг Конституциямиз, қонунлар, Президентимиз Фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Бош прокурорининг буйруқлари талаблардан келиб чиқадиган муҳим вазифаларни оғишмай бажаришлари лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг профессор-ўқитувчилари «Жаҳон-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари», «Юксак маънавият – енгилмас куч» маънавий тарбия соҳасидаги дастуриламалдир», «Фуқароларда диний экстремизм ва терроризмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалалари» каби мавзуларда маъруза ўқидилар ва иштирокчилар билан ўзаро фикр алмашдилар.

Машғулот давомида Республика Ҳарбий прокуратурасининг тажрибали ходимлари ҳамда Мудофаа Вазирлигининг масъул ходимлари ёш мутахассислар билан учрашиб, давлатимизнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини мустаҳкамлашда ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида прокуратура органларининг ўрни ва вазифалари юзасидан маърузалар қилинди.

Адлия капитани Акбар БОБОЕВ.

САЙЛОВ

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг рўйхати маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов оммавий ахборот воситалари ходимларига Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси ҳақида ахборот берди ва журналистларни мазкур мажлисда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида»ги қарор билан таништирди.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўз сўзида таъкидлаганидек, сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш борасидаги ишлар сайлов қонунчилиги талабларига қатъий амал қилинган ҳолда амалга оширилди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, рўйхатга олинган 517 депутатликка номзоднинг 31,9 фоизини хотин-қизлар, шу жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан рўйхатга олинган номзодларнинг 31,7 фоизини, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан рўйхатга олинган номзодларнинг 32 фоизини, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан рўйхатга олинган номзодларнинг 33,3 фоизини, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан рўйхатга олинган номзодларнинг 30,6 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Парламент қуйи палатаси депутатлигига номзодлар орасида ишлаб чиқариш соҳаси, кичик ва хусусий бизнес вакиллари, фермерлар кўпчиликни ташкил қилади. Депутатликка номзодлар орасида, шунингдек, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, жамоат бирлашмалари соҳалари вакиллари, иқтисодчилар, шунингдек, қонун ижодкорлиги борасида катта тажрибага эга олимлар ва ҳуқуқшунослар ҳам бор.

Қонун талабларида белгиланган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаганлиги, шунингдек, сиёсий партиялардан тушган аризаларга биноан Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг 2 нафар, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 1 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 1 нафар вакилини рўйхатга олиш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси муҳокамасидан чиқарилди.

Сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг рўйхати номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, қайси партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими, иш ва яшаш жойи, шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни кўрсатган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида депутатликка номзодлар рўйхатга олингач, сайлов жараёнининг муҳим босқичи – сайловолди ташвиқоти бошланиши таъкидланди. Бу жараён сайлов қонунчилиги талаблари асосида амалга оширилади. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофиқ, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ яратилади. Уларга сайловчилар билан учрашувлар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилади. Сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартишларга биноан сиёсий партиялар сайловчилар билан учрашувларини мустақил равишда ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида иштирок этаётган депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шароитлар яратиш, сиёсий партияларнинг ўз сайловолди дастурлари билан чиқиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида, Марказий сайлов комиссияси қарорига биноан, уларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари алифбо тартибида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.


Матбуот анжуманида сиёсий курашнинг адолатли ва очиқ олиб борилиши учун барча депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга тенг ва кенг имкониятлар яратилиши сиёсий плюрализм асосидаги соғлом рақобатни таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарди.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁНДА ҲАРБИЙЛАР ФАОЛ

Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб муҳим сиёсий жараён – жорий йил 27 декабрида бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу сиёсий жараёнда осойишталигимиз барқарорлигини таъминлашдек устувор вазифага масъул посбонларимиз ҳам фаол иштирок этаяптилар.





Жумладан, ҳарбий қисм ва муассасаларда командир ва бошлиқларнинг тақдимномасига мувофиқ участка сайлов комиссиялари ташкил этилиб, уларда сайловда иштирок этувчи фуқароларни рўйхатга олиш, сайлов участкаларини зарур ўқув адабиётлари, кўргазмали воситалар, вақтли матбуот нашрлари билан таъминлаш ҳамда сайловда илк бор иштирок этаётган ҳарбий хизматчиларга ушбу жараён хусусида етарлича маълумотлар бериш борасидаги ишлар изчил олиб борилмоқда.

– Билим юртимиз ҳудудида жойлашган сайлов участкасида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли Кучлар ишчи-хизматчилари халқ вакилларини сайлашда иштирок этиб, овоз берадилар, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти масъул офицери Т. Абдусаидов. – Участкамизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича белгиланган тадбирлар режасига мувофиқ ишлар олиб борилаяпти. Участка сайлов комиссияси тузилди. Сайловчиларни рўйхатга олиш ишлари деярли якунига етказилди. Сайлов участкасида сайловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида барча имкониятлардан самарали фойдаланиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонуни, сайлов комиссиялари низом ва йўриқномалари тўплами каби зарур адабиётлар ва матбуот нашрларидан иборат ахборот бурчаги мавжуд. Сайловчилар келиб улардан бемалол маълумотлар олишлари, фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, сайловчиларга сайлов ҳақида бевосита тушунтиришлар бериш учун участкада доимий навбатчилик ҳам ташкил этилган. Округ сайлов участкаси билан доимий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз. Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ҳар куни ўтказиладиган йиғилишида қилинган ишлар ҳисоботи тингланади ҳамда Марказий ва округ сайлов комиссияси янгиликлари ўрганилади. Билим юртимиз курсантлари ва сайловда илк бор иштирок этаётган аскарларга мазкур сиёсий жараён ҳақида кенг тушунчалар берилаяпти. Унда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятларига оид маълумотлар ўрганилади. Шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракати вакилларидан ҳам депутатлар сайланиши янгилик сифатида киритилгани ҳисобга олиниб, бу борада ҳам сайловчиларга тушунчалар бериб борилмоқда. Декабрь ойининг бошларида эса билим юртимизда депутатликка номзодлар ва сиёсий партия вакиллари билан учрашув ўтказиш режалаштирилаяпти.

– Мен бу йил биринчи марта сайловда иштирок этаман, – дейди муддатли ҳарбий хизмат оддий аскари Шаҳбоз Мамадиёров. – Ўйлайманки, ушбу тадбир Ҳарбий қасамёд қабул қилиш, қурол-яроғлар бириктирилиши ва хизматдаги бошқа муҳим воқеалар каби унутилмас кун сифатида ёдимда қолади. Сайлов ҳақида бизга командир ва бошлиқларимиз ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида атрофлича маълумот беришмоқда.

– Биз умумхалқ сайловида иккинчи марта иштирок этаяпмиз, – дейди билим юрти учинчи босқич курсантлари Сайфиддин Қаюмов ва Ёркин Юсупов. – Ушбу сиёсий воқелик ҳақида етарлича маълумотга эгамиз. Чунки бизга тарбиявий ишлар услубиёти, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ҳарбий ҳуқуқ ахлоқи каби фанларда офицерлар Шуҳрат Асқаров, Алимардон Раҳматов ва Алишер Ширинов лар бу ҳақда етарлича сабоқ бериб келишади. Шунингдек, мустақил тайёргарлик соатларида бу борадаги билимларимизни мустаҳкамлаймиз. Сафдошларимиз билан ўрганганларимизни ўзаро муҳокама этамиз.

– Мазкур муҳим сиёсий жараён ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистонда халқаро андозаларга мос равишда ўтишига шубҳа йўқ. Билим юрти курсантлари ва аскарларимизга сайлов ҳақида кенг тушунча бериш ва уни чуқур ўргатар эканмиз, эртанги кун учун ёниб яшаш туйғусини янада шакллантирамиз, уларнинг ҳуқуқий маданиятларини оширамиз, – дейди офицер Р. Фатхутдинов.

Капитан Ёшин ҲАКИМОВ.
«Ватанпарвар» мухбири.

ТАНЛОВ

Қуролли Кучларимизнинг 18 йиллигига

БИЛИМ, МАҲОРАТ, ТАЖРИБА

Аввал хабар берганимиздек, Қуролли Кучларимиз миқёсида бир неча кун давомида жанговар машина экипажлари ўртасида ўтказилган «Энг илғор экипаж» кўрик-танлови ўз якунига етди.

Маълумки, ислоҳотлар туфайли Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ фуқароларимизнинг конституциявий бурчигина эмас, шараф ишига айланди. Халқ ва армия якдиллиги янада кучайди. Фуқароларимиз қалбида ўз озод ва обод Ватанидан, халқимиз тинч, фаровон ҳаётидан, яратувчанлик меҳнатидан фахрланиш ҳисси қарор топди.

Давлатимиз раҳбари юрт ҳимоячилари ҳақида тўхталар экан, «Армиямизнинг минг-минглаб йигитлар учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактаби бўлиб қолгани қувонарлидир», дея таъкидлайди. Дарҳақиқат шундай, чинакам мардлик, фидойилик йўлини танлаган посбонлар кун сайин янгиланаётган миллий армиямизни янада шакллантириш, муқаддас Ватанимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилиш, Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жараёнини тобора жадаллаштириш учун бор куч ва билимларини, имкониятларини ишга солиб, шу Ватан меҳри билан ёниб яшамоқдалар.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, бугун Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб, замонавий армиянинг посбони нафақат жанговар билимларни пухта эгаллаган бўлмоғи, балки интеллектуал салоҳияти ҳам юксак бўлиши, ҳар жойда, ҳар қандай вазиятда етакчилик қобилиятини намоён эта олиши лозимлиги талаб этилмоқда. Бу жараёнда эса, тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш, билим ва малакани ошириб бориш ҳамда ўқиб-ўрганиш муҳим ўрин тутади. Шунингдек, посбонларнинг ҳар томонлама етук, ўз касби, мутахассислигининг моҳир устаси, бурчига ва шарафли номига муносиб бўлишида ўтказилаётган турли йўналишдаги кўрик-танловларнинг ҳам аҳамияти чексиз.

Дарҳақиқат, «Энг илғор экипаж» кўрик-танлови ҳам йилдан-йилга такомиллашиб, асл профессионалларни, моҳир ва маҳоратли ҳарбий мутахассисларни кашф этмоқда, уларнинг касбий ва интеллектуал билимлари янада ўсишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, энг аввало, жанговар шайликни янада мустаҳкамлаш, экипаж шахсий таркибининг билим ва маҳоратини юксалтириш, жанговар машиналар шайлигини таъминлаш, экипажлар ўртасида тажриба алмашишга шароит яратиш, экипаж аъзоларининг жанговар вазифаларни бажаришга қанчалик шай эканликларини аниқлаш, касбий маҳоратларини синовдан ўтказишдан иборатдир.

Танлов иштирокчилари саф кўриги, соҳалари бўйича тест синови, 3 км ва 100 метрга югуриш, турникда тортилиш, алоқа ва техника, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш тайёргарлиги ҳамда жанговар машинадан нишонларга ўқ отиш ва уни бошқариш каби шартлар бўйича куч синашишди.

Танловнинг биринчи куни иштирокчилар саф кўригидан ўтказилиб, соҳалари бўйича тест синовини топширишди. Тест синови натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, посбонларимиз назарий жиҳатдан ҳам анча етук эканликларига гувоҳ бўламиз. Улар берилган тест саволларига имкон қадар аниқ жавоб беришиб, қанчалик билимга эга эканликликларини намойиш қила билишди. Мазкур шарт бўйича юқори натижани Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ экипажи аъзолари қайд этишди.



– Кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этаётганимизнинг ўзи биз учун катта шарафдир, – дейди мўлжалга олувчи шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Мусулмон Маллаев. – Мана биринчи шартдан экипажимиз билан бирга муваффақиятли ўтдик. Ҳали олдинда яна бир қатор босқичлар бор. Албатта, маҳоратимиз ва билимларимиз панд бермайди, деган умиддаман. Мақсадимиз ҳам бор имкониятимизни ишга солиб, ўз касбий маҳоратимизни намойиш этиш ва ғолибликни қўлга киритишдир.

Танловнинг иккинчи куни иштирокчилар жисмоний, алоқа ҳамда оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш тайёргарлиги синовидан ўтишиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди. Жисмоний тайёргарлик бўйича улар 3 км ва 100 метрга югуриш ҳамда турникда тортилиш машқларини бажаришди. Бу шарт бўйича лейтенант Равшан Қосимов командирлигидаги экипаж аъзоларининг жисмоний тайёргарликлари юқори эканлиги яққол кўзга ташланди.

– Мазкур шартнинг натижаларидан кўриниб турибдики, – дейди комиссия аъзоси офицер Василий Абдуллаев, – иштирокчилар катта тайёргарлик кўришган. Улар бир-бирларидан қолишмаган ҳолда жисмоний етук эканликларини амалда исбот қилишди. Натижалар биз кутганимиздан ҳам зиёд бўлди.

Алоқа тайёргарлиги бўйича танлов қатнашчилари жанговар машина ичидаги алоқа воситаларининг ишлатилиши, ундан фойдаланиш ва юзага келган носозликларни тез ва аниқ бартараф қилиш каби вазифаларни бажаришди. Назарий ва амалий тарзда ўтган синов жараёнида иштирокчилар алоқа воситалари билан ишлаш бўйича маҳоратларини намоён этишиб, ўз ҳисобларига керакли балларни ёзиб қўйишди.

(Давоми 5-бетда).






ТАНЛОВ

ВА МАЛАКА – АМАЛИЁТДА СИНАЛАР



(Давоми. Боши 4-бетда).

– Алоқа тайёргарлиги бўйича ўтказилган синовда экипаж аъзолари юксак билим ва тажрибага эга эканликларини кўрсата билишди, – дейди комиссия аъзоси офицер Авазхон Турсунбоев. – Жанговар машина ичида жойлашган алоқа воситалари билан ишлаш ҳарбий хизматчидан юқори билим талаб қилади. Синов давомида кўриниб турибдики, иштирокчиларнинг аксарияти бу вазифани аъло даражада уддалашиб, топшириқни белгиланган муддатидан-да илгари бажаришди.

Оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш бўйича тегишли меъёрларни бажариш икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш воситалари кийилган бўлса, иккинчи босқичда бу жараён жанговар машина ичида амалга оширилди.

– Иштирокчилар бу шартни биз кутгандан ҳам ортиқ қилиб бажаришди, – дейди офицер Бахтиёр Юлдошев. – Айниқса, иккинчи босқичда экипаж аъзоларининг билим ва маҳорати ўз сўзини айтди.

Танловнинг учинчи куни иштирокчилар техника тайёргарлиги бўйича синовдан ўтказилди. Бунда ҳар бир экипаж шахсий таркиби ўзларига бириктирилган жанговар машинадаги носозликни аниқлаб, уни тезда бартараф қилишлари лозим эди. Комиссия аъзолари экипаж шахсий таркибининг ҳар бир ҳаракатини баҳолаб, ютуқ ва камчиликларини қайд этиб боришди. Натижалар кутилганидек бўлди, яъни экипажнинг ҳар бир аъзоси бу борада етарли билим ва кўникмага эга эканликларини, техника билан яхши «тиллаша» билишларини амалда кўрсатиб беришди.

– Бу техникани бир неча йилдан буён бошқараман, – дейди жанговар машина механик-ҳайдовчиси кичик сержант Жўрабек Тўйчиев. – Унинг техник тавсифини яхши биламан. Шу боисдан ҳам, мазкур шартбитга унчалик қийинчилик туғдирмади. Техникадаги носозликни тезда аниқлаб, жамоа билан бирга уюшқоқлик ила ҳаракат қилдик.

Танловнинг тўртинчи куни барча экипаж аъзолари полигонда уч йўналиш бўйича нишонларга ўқ отиш машқини бажаришди. Мазкур босқичда экипаж аъзолари бор билим ва маҳоратларини ишга солиб, нишонларни бехато уришга, қўйилган вазифани аниқ бажаришга ҳаракат қилишди. Бунда албатта, экипаж шахсий таркибининг жипслиги, уюшқоқлик билан олдинга интилиши, муваффақият гарови ҳисобланади. Буни яхши англаган посбонлар бир-бирларини тушунган ҳолда, машқни аъло даражада бажаришга бор кучларини сарфлашди.

– Мазкур танловга тайёргарлик мобайнида нишонларга ўқ отиш машқига алоҳида эътибор қаратганимиз, янги ўқув йили машғулотларида фаол қатнашиб, амалий машқларда соҳамиз бўйича маҳорат ва тажрибамизни доимий равишда бойитиб борганимиз шартни муваффақиятли бажаришимизда муҳим омил бўлди, – дейди жанговар машина экипажи командири лейтенант Р. Қосимов. – Шунингдек, экипаж бир неча йиллик тажрибага эга посбонлардан иборат эканлиги ҳам ютуққа эришишимизда муҳим аҳамият касб этди.

Танловнинг сўнгги куни иштирокчилар жанговар машинани бошқариш, уни турли тўсиқлардан иборат йўлакларда беталафот олиб ўтиш бўйича синов машқини топширишди. Мазкур шартда ҳам экипаж аъзолари қўйилган вазифани сифатли бажаришга ҳаракат қилишди. Бунда албатта, жанговар машина механик-ҳайдовчиларининг маҳорати ва тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Ҳайдовчи қанчалик юксак тажриба, билимга эга бўлса, вазифани ҳам шунчалик яхши уддалайди. Уч турдаги жанговар машинада ўтказилган ушбу машқни барча экипаж аъзолари белгиланган вақтда бажаришди.

– Танловда биринчи бор иштирок этишимиз, – дейди экипаж командири офицер Улуғбек Шарипов. – Биринчи ва иккинчи босқичлардан муваффақиятли ўтиб, республика босқичига етиб келдик. Бунинг ўзи бўлгани йўқ, албатта. Тинимсиз меҳнат, тажрибали офицер ва йўриқчилардан олган билим ва тажрибаларимиз асқотмоқда.


Танловнинг якуний натижаларига кўра 1-ўринга лейтенант Равшан Қосимов етакчилигидаги экипаж шахсий таркиби (мўлжалга олувчи кичик сержант С. Ҳайдаров, механик-ҳайдовчи кичик сержант Х. Аралов) сазовор бўлди. 2-ўринга Жанубий ҳарбий махсус ҳарбий округ экипажи аъзолари (жанговар машина командири сержант Ж. Ҳамдамов, мўлжалга олувчи шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар М. Маллаев, механик-ҳайдовчи шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ш. Соатов) лойиқ топилди. 3-ўринни Тошкент ҳарбий округи экипажи шахсий таркиби (жанговар машина командири катта лейтенант Х. Атабоев, мўлжалга олувчи шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар И. Бекжонов, механик-ҳайдовчи сержант Р. Норматов) қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

Биламизки ҳарбийлик касбига меҳр қўйган, Ватанни ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилган, тинчлигимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигининг посбонлари бўлмиш ҳарбий хизматчилардан матонат ва фидойилик, мардлик ва садоқат, кучли ирода ва шижоат талаб этилади. Бугунги танлов ғолибларининг қалбида ҳам бу туйғулар мужассам. Ҳа, мазкур кўрик-танлов мана шундай мард ўғлонларни кашф қилмоқда. Уларнинг тажриба ва билимларини бойитмоқда.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.











МАСТЕРСТВО

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ТАДБИРЛАР

Маълумки, қиш фаслида бошқа даврларга нисбатан аҳолининг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи бир мунча ортади. Бу эса ўз навбатида, жойларда ёнғин чиқиш хавфининг ҳам ошишига олиб келади.



Сурат таҳририят архивидан олинган.

Ёнғинни олдини олиш, кўнгилсиз ҳодисалардан сақланиш ва бу борадаги чора-тадбирларни янада кенгайтириш мақсадида 23 ноябрдан 23 декабрга қадар Мудофаа вазирлиги тизимида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад газ, электр энергияси, сув хўжалиги ва иситиш мосламаларининг тўлиқ созлигига эришиш, ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилишининг олдини олиш, объектлардаги ёнғин хавфсизлиги гуруҳларини ўт ўчириш техникалари, асбоб-ускуналари ва анжомлар билан таъминлаш, ишчилар, хизматчилар, олий ҳарбий билим юртлари ва шахсий таркиб ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, уларни ёнғинларни олдини олиш тадбирларига кенг жалб қилиш ва бошқа чора-тадбирлар кўришдан иборат.

Мудофаа вазирининг тегишли буйруғида ҳам тизимга қарашли объектларда ва ҳарбий шаҳарчаларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида бир қатор вазифа ва масалаларга катта эътибор қаратилган.

Бу борада Тошкент гарнизони ёнғиндан сақлаш ва қутқариш ишлари хизмати ходимлари томонидан олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир.

– Барча ташкилот ва муассасаларда бўлгани сингари Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда, ҳарбий шаҳарчаларда ёнғин хавфсизлигини янада кучайтириш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда, – дейди офицер Темур Очилов. – Мудофаа вазирининг тегишли буйруғида бу борадаги асосий вазифалар белгиланган бўлиб, барча ҳарбий объектларни ҳамда ҳарбий хизматчилар яшаб турган уй-жойларни, ҳарбий шаҳарчаларда жойлашган боғча ва мактабларни ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолатга келтириш, газ, электр энергияси ва сув билан таъминлаш тизимининг, иситиш мосламаларининг ҳолати ва созлигига алоҳида эътибор қаратиш, ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини доимий соз ҳолатда сақлаш шулар жумласидандир.

Шунингдек, ёнғиндан сақлаш ва қутқариш ишлари хизмати ходимлари томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида ҳамда ҳарбий ўқув юртларида, мактаб ва боғчаларда кенг кўламли тушунтириш ишлари ҳам ташкиллаштирилмоқда. Жумладан, Гулнора Насриддинова, Дания Разиқова, Зулфия Волковалар фаолият юритаётган ҳарбийлар ётоқхонасида ойлик доирасидаги тадбирлар бўлиб ўтди.

– Бу тадбирлар давомида асосий эътибор, – дейди сержант Мурод Матсафоев, – бинолардаги ёнғин хавфсизлиги бурчаги ва асбоб-анжомлари, электр токи ва иситиш мосламаларининг созлигига, ёнғин содир бўлганда бинодаги одамлар ва буюмларни тезда хавфсиз жойга олиб чиқиш учун мўлжалланган захирадаги чиқиш эшикларининг мавжудлигига ҳамда ташкил этилган ёнғин хавфсизлиги гуруҳларининг билим ва ҳаракатларига қаратилмоқда. Шу билан бирга, чироқ, газ ва иситиш мосламаларидан тўғри фойдаланиш бўйича мутахассислар томонидан тушунтириш ишлари олиб борилянти. Тадбир давомида аниқланган камчиликлар ва носозликлар ўз ўрнида бартараф этилиб, тегишли чоралар кўрилаётир.

Таъкидлаш жоизки, бу каби тадбирлар мобайнида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари фаоллигини ошириш, жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Шу туфайли, ҳар бир фуқаро ва ҳарбий хизматчи ёнғин содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш, уни бартараф этиш учун нима чора кўриш лозимлигини яхши англаб етмоқда.

Кичик сержант Фирдавс АҲРОРОВ.

СБЕРЕЧЬ ОТ ОГНЯ, ПРЕДУПРЕДИТЬ ВОЗГОРАНИЕ

Распоряжением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 19 ноября сего года с 23 ноября по 23 декабря 2009 года в стране проводится месячник пожарной безопасности. Вот и в противопожарных подразделениях Министерства обороны в течение месяца будут проведены плановые мероприятия.

Основными целями и задачами месячника пожарной безопасности являются:

– приведение объектов Министерства обороны и казарменно-жилищного фонда в точное соответствие с требованиями противопожарной безопасности;

– проведение разъяснительной работы по соблюдению мер пожарной безопасности в воинских частях, учреждениях.

Подготовлена противопожарная техника и оборудование к эксплуатации в зимних условиях. Имеющиеся пожарные щиты на военных объектах укомплектовываются инвентарем и огнетушителями, приводятся в исправное состояние системы противопожарного водоснабжения, средства связи и пожарной сигнализации.

Пользуясь случаем, хочу напомнить, что данные мероприятия касаются не только воинских частей и подразделений, но и актуальны для каждого гражданина Республики Узбекистан, так как только соблюдение правил пожарной безопасности способно гарантировать предупреждение возгораний.

В ходе месячника специально созданные в частях и военных учреждениях комиссии должны будут рассмотреть вопросы противопожарной защиты и поставлены задачи по приведению объектов в безопасное состояние. Выявленные недостатки и нарушения правил пожарной безопасности будут устраняться в ходе месячника.

Поскольку проведение месячника пожарной безопасности является делом государственной важности, необходимо активное участие в его мероприятиях командиров воинских частей и подразделений, начальников учреждений и организаций Министерства обороны. Личный пример командира значит очень много в воспитании у личного состава бдительности, культуры обращения с опасными в плане возможного возгорания предметами, строгого соблюдения требований противопожарной безопасности на военных объектах.

Подполковник Ойбек ПАРМАНКУЛОВ,
начальник отдела противопожарной защиты
и спасательных работ КЭУ Министерства обороны.

ПОБЕДИЛИ СИЛЬНЕЙШИЕ

Более восьмидесяти офицеров и сержантов из всех частей Караульных войск МВД приняло участие во втором этапе ставшего уже традиционным конкурса на звание лучшего по воинской профессии.

В течение трех дней участники вели бескомпромиссную борьбу в соревнованиях по военному троеборью, демонстрировали свои высокие теоретические знания и отличную строевую выправку. Каждый стремился показать как можно лучший результат, чтобы получить в каждом виде наибольшее количество баллов.

Конкурс начался с тестирования по знанию положений руководящих документов. Большинство офицеров и сержантов успешно ответили на предложенные сто вопросов, показав свои глубокие теоретические знания. И сразу же стали лидерами в своих номинациях офицеры Д. Левин, У. Холматов, Ж. Сагдуллаев, Ш. Файзуллаев и сержант Х. Умматов.

Во второй день конкурсанты демонстрировали свои навыки владения стрелковым оружием. Результаты стрельбы выявили новых лидеров, а прежним позволили закрепить свои передовые позиции и сделать значительный шаг вперед. Лучше всех отстрелял из пистолета подполковник У. Холматов – 87 очков из ста возможных. Чуть-чуть уступили ему офицеры Д. Туйчиев, А. Саидов, У. Юсупов и С. Хайитов. Уверенное владение автоматом в любом положении (лежа, с колена, стоя) показали офицеры Ж. Сагдуллаев, А. Ташматов, И. Касымов. Сержанты Ж. Назаров, Б. Жураев, А. Нуруллаев продемонстрировали отличную меткость стрельбы из автомата. Ж. Назаров выбил 93 очка из ста возможных, став лучшим, а два его ближайших соперника по 87.

Подавляющее большинство участников конкурса показали и хорошую строевую подготовленность, умение четко и красиво выполнять строевые приемы.

Главные события, оказавшие решающее влияние на распределение мест, произошли на завершающем этапе в ходе состязаний на физическую подготовленность, ловкость и выносливость. При метании гранаты на точность сержанты Б. Жураев, Х. Умматов, Ш. Бойсинов сделали по 14 точных попаданий. Упражнение подъем переворотом на перекладине майор С. Хайитов выполнил 32 раза, а майор Д. Левин – 30.

Для некоторых участников камнем преткновения стали кроссовая подготовка и преодоление полосы препятствий, так как они не уложились во время, необходимое для получения хороших зачетных баллов, что и лишило их возможности бороться за призовые и лучшие места.

По итогам упорных состязаний победителями конкурса стали по номинациям: «Лучший сержант» – заместитель командира группы сержант Хамза Умматов, «Лучший командир группы» – старший лейтенант Зуфар Иногамов, «Лучший командир взвода» – капитан Жасур Сагдуллаев, «Лучший командир батальона» – майор Содикжон Хайитов и «Лучший командир бригады» – майор Денис Левин.

Проведенный конкурс дал очень много каждому его участнику, так как помог четко увидеть свои недоработки и промахи, понять над чем надо особенно упорно работать, чтобы в дальнейшем добиваться большего. Победители и призеры конкурса вскоре встретятся вновь на третьем (республиканском) этапе, где будут и лучшие представители военных округов Министерства обороны, и Пограничных войск. Предстоит еще более упорная и напряженная борьба, и победит тот, кто лучше к ней подготовится.

Николай ЧУРСИНОВ.

ASKAR

YURTNI QO‘RIQLAYDI ASL O‘G‘LONLAR

«...Hozirgi kunda Qurolli Kuchlarimiz saflarida xizmat qilish O‘zbekistonning har bir fuqarosi uchun nafaqat konstitutsiyaviy burch, balki mamlakatimizda orzu qilishga sazovor kasbga aylandi, desak, ayni haqiqatni aytgan bo‘lamiz», degan edi Prezidentimiz. Darhaqiqat, yoshlarimizning milliy armiyamiz saflarida xizmat qilishga bo‘lgan ishtiyoqlari yanada kuchaymoqda. El-yurt koriga kamarbasta bo‘lib, jonajon Vatanimiz sarhadlarini asrash, himoya qilish yigitlarimizning oliy maqsadiga aylanib ulgurdi.

Oddiy askar Oybek Salimov ham Vatan himoyasini sharaf, deb bilgan ana shunday yigitlardan. U muddatli harbiy xizmatga Jizzax viloyatining Jizzax tumani mudofaa ishlari bo‘limi tomonidan chaqirilgan.

– Men milliy armiyamizda xizmat qilayotganimdan faxrlanaman, – deydi oddiy askar. – Harbiy xizmat mening ham hayotim mazmuniga aylangan. Yigitlik maktabi atalmish armiyada ancha toblanayapman, chiniqayapman, ko‘p narsalarni o‘rganayapman. Bilim va malakamizning oshishida qism miqyosida o‘tkazilgan turli intellektual o‘yinlar, musobaqalar muhim o‘rin tutmoqda. An’anaviy tarzda o‘tkaziladigan sport musobaqalari har tomonlama yetuk posbon bo‘lib shakllanishimizga xizmat qilayapti.

Muddatli harbiy xizmatga qadar sportning yengil atletika turi bilan muntazam shug‘ullangan yigit harbiy qismda bo‘ladigan musobaqalarda hamisha faol.

– Oddiy askar Salimov qismimizdagi eng ilg‘or posbonlardan biridir, – deydi ofitser A. Jo‘rayev. – Ayniqsa, jismoniy tayyorgarlik mashg‘ulotlarida uning o‘z o‘rni bor. Harbiy qismda davlat va jamoat tashkilotlari bilan hamkorlikda o‘tkazib kelinayotgan turli tadbirlarda ham faol ishtirok etib keladi.

Oybekning bolalikdan sportga oshnoligi unga xizmat davomida ancha qo‘l keldi. Komandirlari bejizga uni: «Haqiqiy posbon shunday bo‘ladi», deb maqtashmaydi, axir. O‘g‘lon intiluvchanligi, tirishqoqligi, xizmati davomida zimmasidagi vazifalarni vijdonan ado etib kelishi orqali harbiy jamoada hurmat qozondi, komandirlar nazariga tushdi.

Tantanali Harbiy qasamyod qabul qiladigan kuni farzandlarini ko‘rishga kelgan Bahodir aka va Matluba opa harbiy qismda askarlarga yaratilgan qulay shart-sharoitlardan quvonishdi. Ayniqsa, ofitser va serjantlar Oybek haqida iliq so‘zlarni aytishganda, boshlari ko‘kka yetguday bo‘lishdi. O‘shanda Bahodir aka o‘g‘liga shunday degandi:

– O‘g‘lim, qisqa vaqt ichida o‘zingni ko‘rsatib, harbiy jamoada obro‘ qozonishga muvaffaq bo‘libsan, bundan juda mamnunman. Komandirlaring, safdoshlaring sen haqingda faqat iliq so‘zlarni aytishdi. Mashg‘ulotlarda ilg‘or, faol askarlardan biri ekaningni ham bildim. Ana shu intiluvchanlik, shijoat, g‘ayratni susaytirma. Biz uyga yorug‘ yuz bilan qaytishingni istaymiz.

Lavhamiz qahramonida harb ilmini o‘rganishga bo‘lgan ishtiyoq, qiziqish armiyada paydo bo‘lgan, deb o‘ylasangiz adashasiz. Jizzax transport-aloqa kasb-hunar kollejida o‘qib yurgan kezlaridayoq sohaga yurakdan mehr qo‘yganligini namoyon qilib ulgurgan edi. 2007 yilda u o‘rta maxsus ta’lim tizimi muassasalari o‘quvchilari o‘rtasida har yili an’anaviy ravishda o‘tkaziladigan «Shunqorlar» harbiy-sport o‘yinlarining Respublika bosqichida jamoasi bilan birgalikda g‘oliblikni qo‘lga kiritadi. Tabiiyki, bundayin yuksak natijaga, e’tirofga sazovor bo‘lish oson kechgani yo‘q. Faqatgina puxta tayyorgarlik va bilim, g‘alabaga bo‘lgan ishtiyoq va irodagina murosasiz raqobat to‘sig‘ini yorib o‘tib, muvaffaqiyatga erishishni ta’minladi. Aytish joizki, aynan shu musobaqa orqali o‘g‘lon muddatli harbiy xizmatga tayyorgarligini ham sinovdan o‘tkazdi.

Kasb-hunar kollejini bitirib, o‘zining Vatan oldidagi konstitutsiyaviy burchini o‘tayotgan yigitning xizmatni boshlaganiga yarim yildan oshdi. O‘tgan davr mobaynida u ancha toblandi, jangovar va jismoniy mashg‘ulotlarda chiniqdi. Dunyoqarashi, fikrlashi o‘zgardi. Eng muhimi, Vatan manfaatlarini har narsadan ustun qo‘yadigan, yurt ertasi uchun qayg‘uradigan inson sifatida shakllandi. Bundan tashqari, harbiy qism miqyosidagi sport bellashuvlari, madaniy tadbirlar va musobaqalarda ishtirok etib, ko‘p bora sovrinli o‘rinlarni qo‘lga kiritgan. Jumladan, Qurolli Kuchlarimizda an’anaviy o‘tkazib kelinadigan «Balli, yigitlar!» ko‘rik-tanlovining okrug bosqichida faxrli o‘ringa sazovor bo‘lgan.

– Armiya menga ko‘p narsani o‘rgatdi, – deydi u. – Sabrli, mustahkam irodali bo‘lish insonni doimo g‘alabaga chorlaydi. Sportda ham, hayotda ham bu haqiqat o‘zini namoyon qiladi. Muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddatini o‘tab bo‘lgach, oliy o‘quv yurtining huquqshunoslik fakul’tetida tahsil olmoqchiman. Maqsadimga yetishimda hayot maktabida olayotgan saboqlarim asqotishiga ishonaman.

Darvoqe, eng aziz, ulug‘ bayramimiz arafasida Mudofaa vazirining buyrug‘iga binoan jangovar va ijtimoiy-siyosiy tayyorgarliklarda erishgan yutuqlari, harbiy islohotlardagi faol ishtiroki, yuksak intizomi va huquq-tartibotni mustahkamlashdagi ulkan hissasi uchun bir qator harbiy xizmatchilarning ota-onalariga tashakkurnomalar yo‘llangan edi. E’tiborlisi, ular safida oddiy askar O. Salimovning ham ota-onasiga ana shunday tashakkurnoma tuman mudofaa ishlari bo‘limida tantanali sur’atda topshirildi. Bu ham bo‘lsa, posbonning zimmasidagi vazifani sidqidildan ado etib, komandirlar nazariga tushganidan.

Ha, milliy armiyamiz saflarida shundayin bilimli, salohiyatli, zukko yigitlar xizmat qilayotganini ko‘rgan har bir inson tinchligimiz ishonchli qo‘llarda ekaniga yana bir karra amin bo‘ladi.

Abdulla SOBIRQULOV.



«O‘zbekiston Respublikasini himoya qilish – O‘zbekiston Respublikasi har bir fuqarosining burchidir».

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 52-modda.

SERGAK CHEGARACHI

...Chegara posti. Oddiy askar Azim Aknazarov o‘ziga biriktirilgan hududni sergaklik bilan qo‘riqlamoqda. Uning nigohi aylanma yo‘l orqali chegara hududiga kirmoqchi bo‘layotgan kimsalarga tushadi va ularni kuzata boshlaydi. Chegarani buzishga, katta miqdordagi moddiy-tovar boyliklarini mamlakatimiz hududiga noqonuniy olib kirishga urinish sezgir posbonimiz hushyorligi bilan barham topadi.

Davlat chegarasini ishonchli himoya qilgan va namunali harbiy intizomi, jangovar shaylikka qo‘shgan munosib hissasi uchun oddiy askar A. Aknazarov Prezidentimiz Islom Karimovning shu yil 28 avgustdagi farmoniga binoan "Jasorat" medali bilan taqdirlandi.

– Bu yuksak mukofot meni el-yurtimiz tinchligi va sarhadlarimiz daxlsizligini ta’minlash yo‘lida yanada qat’iyat va fidoyilik bilan xizmat qilishga undaydi, – deydi Azim. – Prezidentimiz biz, harbiylarni doimo qo‘llab-quvvatlab, rag‘batlantirib kelmoqda. Bundan g‘oyat minnatdormiz.

Muddatli harbiy xizmatni namunali o‘tayotgan bu yigit kelajakda sharafli va mas’uliyatli kasb egasi – yetuk ofitser bo‘lish niyatida. Shu bois u bo‘sh vaqtini harbiy qism kutubxonasida o‘tkazishga oshiqadi. Bu yerda zarur qo‘llanma, axborotnoma, ilmiy va badiiy adabiyotlar ko‘p.

Bugungi kunda Chegara qo‘shinlari shaxsiy tarkibi safida A. Aknazarovga o‘xshash bilimga chanqoq ko‘plab o‘g‘lonlar xizmat qilmoqda. Harbiy qism va bo‘linmalarda ular uchun barcha zarur shart-sharoit yaratilgan. Muntazam o‘tkazilayotgan jangovar-taktik mashg‘ulotlar harbiylarning kasb mahorati va intellektual salohiyatini yanada oshirishga xizmat qilmoqda.

Harbiy qism va bo‘linmalarda tarbiyaviy ishlar samaradorligini oshirish va shaxsiy tarkibning dunyoqarashini shakllantirishdan tashqari harbiy xizmatchilarning sport bilan shug‘ullanishi hamda musobaqalar o‘tkazishga ham jiddiy e’tibor qaratilmoqda. Zero, sport chegarachilarni har tomonlama toblaydi, chiniqtiradi.

Ko‘rsatilayotgan bunday e’tibor va g‘amxo‘rlik chegarachilarning kuchiga-kuch, g‘ayratiga-g‘ayrat qo‘shyapti. Qo‘shin jangovar tayyorgarlik darajasi oshmoqda.

Bularning barchasi Prezidentimiz Islom Karimov rahnamoligida mamlakatimiz mudofaa tizimini mustahkamlash, sarhadlarimiz daxlsizligini ta’minlash borasida amalga oshirilayotgan islohotlar berayotgan samaralardir.

Xolmurod SALIMOV,
O‘zA muxbiri.

Yondaftarchangizga

QUROL-ASLAHA BILAN MUOMALA QILGANDA

Qorovul xizmatini o‘tash paytida quyidagilar taqiqlanadi:

– qurolni qismlarga ajratish va tozalash;

– qurolni qurol saqlash javonidan ruxsatsiz olish;

– o‘qdonni avtomatga ruxsatsiz biriktirish;

– qurol o‘qlangan yoki o‘qlanmaganligidan qat’iy nazar odamlarga yo‘naltirish (garnizon va qorovul xizmati nizomida ko‘zda tutilgan holatlardan tashqari);

– patronni patrondonga zaruratsiz yuborish.

Transport vositasida quyidagi qoidalarga rioya qil:

– qurol tizzalar orasida stvol yuqoriga qaratilgan holatda ushlanadi;

– agar transport vositasida qurolni mahkamlash uchun joy bo‘lsa, qurol shu joyga mahkamlanishi kerak.

Qurolni mashinada uyulgan holda tashish taqiqlanadi.

Otish mashqlari va taktik tayyorgarlik mashg‘ulotlarida quyidagilar taqiqlanadi:

– nosoz quroldan foydalanish;

– qurolni qinsiz, tasmasiz, patronlarni esa cho‘ntaklarda olib yurish;

– o‘zining shtatdagi qurolini o‘zga shaxsga berish;

– patronlar, granatalar, zapallar, pirotexnik va imitasion vositalar hamda boshqa o‘q-dorilarni qismlarga ajratish;

– paxtavon patronlar qo‘llanilganida qurolni jonli nishonlarga yo‘naltirish va 25 m.dan kam bo‘lgan masofadagi joylashgan jonli nishonlarga qarata o‘t ochish;

– portlatgich va olovlantirish vositalariga zarba berish hamda o‘q-dorilarni bir-biriga urishtirish;

– o‘q-dorilarni nosoz qadoqlar va qadoqlarning qopqog‘ini pastga qaratgan holda tashish;

– turli ob-havo sharoitlarida harakatlanganda qurol stvoli kanaliga qog‘oz va boshqa predmetlarni tiqish;

– o‘q-dorilar, shu jumladan, yaroqsizlarini ham yerga ko‘mish, suv havzasi va daryoga cho‘ktirish;

– qurolni jangovar (paxtavon) o‘q-dorilar bilan rahbar (komandir, boshliq) ruxsatisiz va «O‘t och!» buyrug‘isiz o‘qlash;

– portlovchi paketlarni odamlar yaqiniga (10 m.dan yaqin) hamda jangovar texnikaga uloqtirish;

– signal patronlarini aholi punktlarining xashak-somon g‘aramlari va boshqa yonuvchi materiallar yonida otish;

– signal va yoritish patronlarini yotqizib, odamlar tomon otish;

– portlamagan snaryadlar, minalar, portlash xavfi bor predmetlar va boshqa imitasiya vositalariga teginish;

– jangovar qo‘l granatalarini granata sumkalaridan tashqarida tashish;

– nosoz quroldan o‘q otish; nosoz o‘q-dorilarni otish mashqlarida qo‘llash; xavfli (odamlar va texnika bo‘lishi mumkin bo‘lgan) yo‘nalishlarga qarata otish; boshqaruv punkti va panagoh (blindaj)da oq bayroq ko‘tarilganda o‘q uzish;


– shaxsiy tarkibning qo‘l va tirgakli granatomyot orqasida, 900 sektorda 30 metrdan kam masofada turishi hamda o‘q-dori, portlovchi moddalar va yoqilg‘ining joylashtirilishi.

Harbiy xizmatchilar otish mashg‘ulotlari yakunlangach, barcha jangovar va paxtavon o‘q-dorilarni o‘q-dori ta’minoti punktiga topshirishga majburdirlar.

АНЪАНА

БЕЛЛАШДИЛАР МАРДЛАРГА ХОС

Ватан посбонлари саломатлиги йўлида куну тун бедор ҳарбий шифокорларга бугуннинг талаби жуда катта. Уларнинг касб малакасини оширишга доимий эътибор қаратилиб, билим ва иқтидорлари тез-тез синовдан ўтказилиб турилмоқда. Фикримиз далили сифатида Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасалар тиббиёт пунктларида хизмат қилаётган ҳарбий шифокор ва фельдшерлар ўртасида ҳар йили ўтказиб келинаётган «Энг илғор қўшин врачи» ва «Энг илғор фельдшер» танловини келтиришимиз мумкин. Ушбу танлов тиббиёт мутахассисларининг иқтидорини юзага чиқарувчи, уларнинг ўзаро тажриба алмашишлари учун имконият яратувчи, малакаларини оширишга хизмат қилаётган самарали кўрик-танловлардан бири бўлиб, шу кунга қадар кўплаб малакали ва иқтидорли ҳарбий тиббиёт ходимларини кашф қилиб келаяпти.



Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танлов уч босқичда амалга оширилади. Дастлаб, ҳарбий қисм ва муассасалардаги тиббиёт пунктларининг тиббиёт ходимлари ўзаро беллашиб, ғолиб округ миқёсида ўтказиладиган танловнинг кейинги босқичига йўлланма олади. Учинчи – якуний босқичда эса округларнинг ҳар томонлама етук, малакали ва маҳоратли ходимлари ўзаро беллашадилар. Беллашувда уларнинг нафақат касбий маҳоратлари, балки профессионал ҳарбий хизматчи сифатидаги билимлари, яъни ижтимоий-сиёсий ҳамда жисмоний тайёргарлик борасидаги билимлари ҳам синовдан ўтади. Улардаги ушбу устувор жиҳатлар ҳарбий тиббиёт ходимларининг танлаган соҳаси бўйича қанчалик билим ва тажрибага эга эканликларини амалда исботлаб беради. Бу эса танловнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, шифокорликнинг, айниқса, ҳарбий шифокорликнинг залвори бирмунча оғир бўлади. Бунда ҳар қандай шароитда, кутилмаган ҳолатларда ҳам беморга тўғри ва аниқ тиббий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳаёти учун жавобгарлик ҳисси, шу билан бирга ҳарбий либос ҳам тиббиёт ходими зиммасига катта масъулият юклайди. Бунда шифокор учун билим, тажриба ва маҳорат энг яқин кўмакчидир. Шу боисдан ҳам ҳарбий шифокорлар касбий маҳорат борасида бирмунча устуворликка эришган бўлишлари шарт. Мудофаа вазирлиги тиббиёт ходимларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказида бўлиб ўтган танловнинг бу йилги якуний босқичида юксак касбий маҳоратга ҳамда ўз мутахассисликлари бўйича мукаммал билимга эга бўлган ҳарбий тиббиёт ходимлари ўзаро куч синашиб, ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Ҳа, тиббиёт ходимлари ҳақида гап кетганда уларни инсон саломатлиги посбонлари, дея таъриф берамиз. Жуда тўғри ва топиб айтилган таъриф. Чунки иссиқ жон иситмасиз бўлмайди деганларидек, ҳаётимиз давомида албатта соғлиғимиз ёмонлашиб, шифокор ёрдамига муҳтож бўламиз. Уларнинг берган ёрдамлари, қимматли маслаҳатлари эса дардманд жонимизга дармон бўлади. Шу боисдан ҳам инсон ҳаёти учун жавобгарликни ўз зиммасига оладиган, бемор қалбида ҳаётга, яшашга умид уйғотадиган мазкур касб ходимлари ҳар доим эл хизматида. Бугунги кунда ҳарбий қисм ва муассасалардаги тиббиёт пунктларида ўз вазифасини аъло даражада уддалаётган мана шундай тиббиёт ходимлари кўплаб топилади. Биз бунга танлов жараёнида яна бир бор амин бўлдик. Чунки ҳар бир иштирокчининг берилаётган шартларни бажаришда кўрсатаётган фаоллиги ва касбий малака борасидаги билимлари ҳакамлар хайъатининг ҳам эътирофига сазовор бўлди.

Танлов бу йил ҳам муросасиз ва кўтаринки руҳда ўтди. Икки кун давом этган танлов тиббиёт соҳасида ўз ўрнига эга бўлган, профессионал ҳарбий тиббиёт ходимлари учун ҳақиқий маҳорат ва билимлар синови бўлди, десак янглишмаймиз.

Беллашувнинг биринчи кунида иштирокчилар ижтимоий-сиёсий, тактик, мутахассислик бўйича махсус тайёргарликлар ҳамда Умумҳарбий низомлар бўйича тест синовлари топширишди. Уларнинг бу борадаги назарий билимлари соҳа мутахассислари томонидан баҳолаб борилди. Дастлабки шартда тиббий хизмат майорлари А. Атамуродов, Ҳ. Ҳайдаров, капитан Қ. Жуманов, сержант Д. Расулов, кичик сержант Ш. Нарзиевлар яхши натижа кўрсатишди. Куннинг иккинчи ярмида эса амалий беллашувлар бошланди. Унда беллашув қатнашчилари тактик тайёргарлик, дала шароитида жароҳатланган беморга биринчи ёрдам кўрсатиш, жароҳатни боғлаш усуллари ва қоидалари, фавқулодда ҳолатларда беморга биринчи ёрдам кўрсатиш ҳамда оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш каби бир қатор йўналишларда ўзаро баҳслашдилар.

Биз юқорида тиббиёт ходимларига таъриф берганимизда, уларни моҳир ва ўз соҳасининг билимдонлари дея алоҳида таъкидлаб ўтган эдик. Дарҳақиқат, улар ҳар томонлама етук бўлган саломатлик посбонларидирлар. Иштирокчилардаги бу фазилатлар танловнинг иккинчи шартидаёқ яққол намоён бўлди. Яъни ушбу шартда ҳар бир иштирокчи берилган вазифаларни аъло даражада уддалаб, ўзларининг қанчалик касбий маҳоратга эга эканликларини намойиш этишди. Мазкур шарт якунига кўра фельдшерлар ҳам, шифокорлар ҳам деярли бир хил натижа кўрсатишди.

Беллашувнинг иккинчи куни тиббиёт ҳодимлари жисмоний тайёргарлик борасидаги иқтидорларини 3 км. ва 100 метрга югуриш, турникда тортилиш каби машқларда намойиш этишди. Уларнинг жисмоний тайёргарлик борасидаги кўникмалари мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Ушбу шартда энг юқори натижаларни шифокорлардан тиббий хизмат майори Ҳ. Ҳайдаров, фельдшерлардан шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар З. Охунов қўлга киритдилар.

Беллашувни кузатиш асносида ушбу соҳанинг фидойилари, жонкуярлари бениҳоя кўплигига гувоҳ бўлдик. Буни иштирокчиларнинг шартларни бажариш чоғида кўрсатган маҳоратларидан ҳамда ҳакамлар ҳайъатининг улар ҳақида билдирган фикр-мулоҳазалардан ҳам англаб олиш осон. Шундай қилиб, кескин ва муросасиз баҳсларга бой бўлган беллашув ўз ниҳоясига етди. Натижага кўра, «Энг яхши қўшин врачи» йўналиши бўйича ғолиблик Шарқий ҳарбий округи вакили, қисм тиббиёт хизмати бошлиғи, тиббий хизмат майори Ҳасан Ҳайдаровга насиб этган бўлса, «Энг илғор фельдшер» йўналишида биринчи ўринни ҳам мазкур округга қарашли взвод фельдшери сержант Дониёр Расулов қўлга киритди. Ғолиблар махсус диплом билан тақдирландилар.

– Мазкур танлов ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда, – дейди биз билан суҳбатда ҳакамлар ҳайъати раиси, Мудофаа вазирлиги Тиббиёт бошқармаси даволаш-профилактика бўлим бошлиғи, тиббий хизмат полковниги Абдураим Раҳимов. – Беллашув жуда қизиқарли ўтди. Бунга сабаб ҳар бир иштирокчининг танловга кучли тайёргарлик кўриб келишганида бўлса керак. Танлов давомида шунга амин бўлдикки, уларнинг касбий маҳорати ҳам, назарий билим даражаси ҳам жуда юқори. Биз бундан ниҳоятда хурсандмиз. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман, кейинги йилларда ҳарбий қисм ва муассасалардаги тиббиёт пунктларида тиббий хизмат кўрсатиш савияси тажрибали мутахассислар ҳисобига янада ошди. Бу ҳам қувонарли ҳол. Аслида танловни ўтказишдан асосий мақсад ҳам тиббиёт ходимларининг билим савиясини янада ошириш учун ўз устида тинимсиз ишлашга, изланишга ундашдан иборат. Ўйлаймизки, мазкур танлов мана шундай эзгу ва хайрли мақсадни амалга оширишга кўмак бераяпти.

– 2005 йилда ҳам ушбу танловда иштирок этиб, иккинчи ўринни қўлга киритганман, – дейди тиббий хизмат майори Ҳасан Ҳайдаров. – Аслида шифокорлик касби шифокордан доимо изланишда бўлишни, шу орқали малакасини ошириб боришни талаб қилади. Мақсад эса ягона – ўз вақтида ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш. Бу борада эса мана шундай кўрик-танловларнинг аҳамияти беқиёс. Чунки танлов сабаб ҳар бир тиббиёт ходими билимини, малакасини бойитиб боради, яъни ўз устида кўпроқ ишлайди. Ғолибликка даъвогарларнинг ортгани эса улар орасида малакали ва моҳир тиббиёт ходимларининг кўпайганидан далолат беради, деб ўйлайман.

– Танлов ғолиби бўлганимдан жуда хурсандман, – дейди сержант Дониёр Расулов. – Бу эса менга янада кўпроқ масъулият юклайди. Тўғрисини айтсам, ушбу танловда қатнашиб янада кўп билим ва кўникмага эга бўлдим, билмаганларимни ўргандим. Шу орқали тажрибам ошди, дея бемалол айта оламан. Қўлга киритган ушбу муваффақиятим фақат меники эмас, балки устозларим ва ҳамкасбларимники ҳамдир. Фурсатдан фойдаланиб, менга тайёргарлик жараёнида яқиндан ёрдам берган устозларимга миннатдорчилик билдираман.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.
Убайдулла ФАЙЗУЛЛАЕВ суратга олган.

КОНСТИТУЦИЯ

Мен – Конституция тенгдошиман

ОЗОД ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 41-модда)



Мен Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тенгдошиман. Бу қанчалик шараф бўлса, шунчалик масъулият ҳамдир. Буни яхши англайман. Энг қувонарлиси, мен Бош Қомусимиз билан қадамба-қадам яшайман, у билан бирга улғаяман.

Ўзбекистондек келажаги буюк давлатнинг фарзанди бўлганимдан беҳад фахрланаман. Чунки ўзбек халқидек болажон халқ дунёда бўлмаса керак.

Бош Қомусимизда бизнинг ҳақ–ҳуқуқларимиз, эркинликларимиз ҳар томонлама кафолатлаб қўйилган. Шу боис, тенгдошларимиз билан биргаликда мустақил юртимиз Конституциясининг ҳар бир моддасини ўқиб, мағзини чақишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ниҳол" мукофотининг таъсис этилгани, мунтазам ўтказиб келинаётган "Келажак овози", "Янги авлод" каби кўрик-танловлар биз, ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик намунасидир.

Фарғона заминидан дунё илм-фани ва тамаддунига муносиб ҳисса қўшган кўплаб алломалар етишиб чиққан. Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний сингари улуғ боболаримизга муносиб ворис бўлиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Президентимизнинг "Фарзандларим, сиз кимларнинг авлоди эканингизни унутманг! Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам бўлмаймиз!" деган хитобларида мен шу ҳақиқатни янада теранроқ англадим. Қалбим ғурурга тўлади. Бугун мамлакатимизда аждодларимизга муносиб авлод бўлиб камол топишимиз, илм олиш, касб-ҳунар эгаллашимиз, жамиятнинг фаол аъзолари бўлишимиз учун барча шароит яратилган.

Бу йил туманимизда янги академик лицей барпо этилди. Биз, мустақиллик фарзандлари тараққиёт ва янгиланишлар замонида яшаяпмиз. Ўтган кунларни тарих китоблардангина биламиз. Аммо ота-оналаримиз, ўша қоронғу кунларда эски, нурсиз таълим муассасаларида меҳнат қилган устозларимиз академик лицейимиз ҳақида, ёшларга яратиб берилаётган шароитлар тўғрисида ҳайрат ва ҳавас билан сўзлашади. Дарҳақиқат, ўқийман, изланаман деган ёшлар учун бу ерда барча имконият мавжуд. Мен инглиз тилини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилмоқдаман. Дарсдан ташқари машғулотлар, турли тўгараклар, спорт секциялари ҳар биримизда катта қизиқиш, кучли иштиёқ уйғотади.

Ўзбекистон – беқиёс имкониятлар мамлакати. Унинг келажаги, порлоқ истиқболига хизмат қилиш учун илм олиш, касб эгаллаш зарур. Бу масъулият ҳар биримизни янада улуғвор марралар сари чорлайверади.

Нозима БАҲОДИРОВА,
Фарғона вилояти Риштон туманидаги академик лицей талабаси.
ЎзА.

Конституция – менинг ҳаётимда

КЕКСАЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 39-модда)

Конституциямизда инсон ҳаётининг дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати, бурч, ҳуқуқ ва эркинликлари тўла ўз аксини топган.

Юртбошимиз ташаббуси билан истиқлолнинг илк йилларидан кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, аҳолининг барча қатламларини ҳар тарафлама муҳофаза қилишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Бош Қомусимизнинг 39-моддасида фуқароларнинг қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи кафолатланган.

Қирқ йилдан зиёд Ғаллаорол тумани электр алоқа бўлинмасида бош муҳандис вазифасида ишладим. Пенсияга чиққанимга ҳам ўн беш йилдан ошди. Мен учун қадрдон бўлиб қолган ишхонамга бориб, собиқ жамоадошларим билан учрашиб тураман. Ўзим ишлаган даврни бугунги кун билан таққослаб, алоқа тизимида рўй берган ўзгаришлардан қалбим ғурурга тўлади.

Саксонинчи йиллардаги телефон алоқаси хизматини, станция жиҳозларини бугунги замонавий технологиялар билан муқояса қилиб бўлмайди, албатта. Ўша йилларда туман марказидаги коммутатор орқали 250-300 абонентга хизмат кўрсатишда жиддий муаммолар юзага келар, алоқа сифати ғоят паст эди.

Ҳозир туманимизда рақамли замонавий телефон станцияси ишлаб турибди. Унга исталганча абонент уланиши мумкин. Шиша толали телефон узатиш тармоғи орқали ҳар бир одам уйида туриб дунёнинг исталган нуқтаси билан гаплаша олади.

Рақамли алоқа тизими абонентлар учун нафақат сифатли телефон алоқаси, айни пайтда йўлдош телеканаллар ва интернет тармоғига ҳам тўсиқсиз уланиш имконини беради. Бундан йигирма йиллар аввал бундай тараққиётни шу соҳанинг мутахассиси сифатида фақат орзу қилардик.

Она юртнинг ютуқларидан, фарзандларининг камолидан фахрланиб яшаш катта бахт. Фарзандларимдан бири касбимни давом эттираётир, яна бири иқтисодчи. Уларнинг ютуқларидан бир қувонсам, юртимизда рўй бераётган янгиланишлар, ўзгаришлардан яна бир карра мамнун бўламан.

Жамиятда ўз ўрнимизнинг борлиги, ҳеч нарсага зориқмай яшаётганимиз мамлакатимиз Конституциясида биз, кексаларнинг асосий ҳуқуқи – ижтимоий таъминотимиз кафолатлангани туфайлидир. Давлатимиз раҳбари томонидан кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, жамиятимизда қарияларнинг қадрланиши бизга куч-қувват бағишлайди. Кексалари қадрланган юртнинг ёшлари бахтли, эртанги куни ёруғ бўлади.

Гайбулла ЖЎЛБЕКОВ,
Жиззах вилояти, Ғаллаорол шаҳри.
ЎзА.

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни

ҲАР БИР ОИЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 63-модда.)

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига моддий ва маънавий кўмаклашиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом оила, соғлом авлодни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 7 сентябрда қабул қилинган «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур қарорда белгиланган вазифаларни бажариш, имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун қулай шароит яратиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда жисмоний имконияти чекланган ёш оилалар ўртасида ташкил этган «Энг намунали ёш оила» республика кўрик-танлови ана шундай хайрли ишлардан бўлди.

Пойтахтимизда мазкур танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ёшларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг қалбига халқимизнинг оила билан боғлиқ боқий анъана ва қадриятларини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан бир ярим минга яқин ёш оила вакиллари иштирок этди.

Танлов натижаларига кўра самарқандлик Зокир Муҳаммадов оиласи ғолиб деб топилди.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎзА мухбири.

«ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР!»

«Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади», деб ёзади муҳтарам Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида.

Дарҳақиқат, ҳозирда дунёда глобаллашув жараёнлари кечаётган бир даврда мамлакатимиз аҳолиси, айниқса ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялаш, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари ҳақида уларни хабардор қилиш, жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш масалалари ғоят муҳим ва долзарб вазифага айланган.


Республика Маънавият тарғибот маркази Сергели туман бўлими ҳам Ватан равнақи, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш мақсадида бир қатор маънавий-ғоявий ишларни амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганлигининг 18 йиллиги ҳамда Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 17 йиллиги муносабати билан тумандаги 3- умумтаълим мактабида бўлиб ўтган «Ватан – саждагоҳ каби муқаддасдир!» деб номланган маърифий тадбир ҳам бу борада амалга оширилаётган эзгу ишлардан биридир.

Тадбирда пойтахтнинг Ал Фарғоний, Йўлдош, Ёркин ҳаёт, Мустақиллик, Дўстлик маҳаллаларининг ёшлари иштирок этдилар. Унда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти туман кенгаши раиси Санобархон Маматова, маънавият тарғиботи маркази туман бўлими раҳбари Баҳодир Ҳаитматов, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси Арофат Рустамова, «Соғлом авлод учун» жамғармаси бўлим бошлиғи Нуриниса Камолова, мактаб директори Нигора Жабборовалар сўзга чиқдилар ҳамда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Ўз мухбиримиз.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

ЮРАККА КЎМИЛГАН МУҲАББАТ



(Охири. Боши ўтган сонда.)

– Ҳанифа, сени сўраб келишибди, – тушлик маҳали эндигина эгатдан чиқиб, юз-қўлини ювaётган қизни чақирди дугоналаридан бири.

Қизлар кийимларига ҳавас билан тикилиб турган ўттиз ёшлардаги хушрўйгина жувон унга қараб яқинлашди. Эгнида майдатароқ заркокил атлас, елкасига фасон учун ташлаб олинган писта пўчоқ гуллик ғижим рўмол, бошига қизғиш паранг дурра ўраб олган бу аёлни нуфузли хонадондан эканлиги кўриниб турарди.

У Ҳанифа билан яқин опа-сингиллардек кўришди-да, салом-аликдан сўнг,

– Синглим, четроққа чиқиб, ҳоли гаплашиб олсак бўладими? – деди майинлик билан.

Аёлнинг Фарҳодлар хонадонига тегишли эканлигини сезиб, кийим-бошларининг юпунлигидан хижолат чекиб турган қиз уни эгат бошидаги тут дарахти томон бошлади.

– Синглим, мен Фарҳоджоннинг онаси номидан элчи бўлиб келдим. Улар ўз илтимосларини мендан айтиб юборишди, – унинг хижолатлик ила гапириш оҳангию ўзининг тутишидан яхши хабар олиб келмаганлигини англаб турарди Ҳанифа. – Кўҳликкина бўлиш билан бирга ақлли қиз эканлигингиз кўриниб турибди. Уларнинг илтимосини тўғри тушуниng. Опаларнинг хонадони жуда баобрў. Турмуш ўртоқларини Тошконга ишга чақирган. Яқинда оилалари билан кўчиб кетишмоқчи. Фарҳоджонга ўзларига мос оиланинг қизини мўлжаллаб қўйишган эди. Лекин ўғилларининг кўнглидан ўта олмай, сизларникига совчи бўлиб келишди. Синглим, тўғри тушуниng, ёлғиз онангиз билан бирга яшар экансиз. Сизга оилангизда яшаб, ота жойингизни обод қиладиган куёв керак. Фарҳоджон эса ота-онаси билан пойтахтга кетади. Шунинг учун унга рад жавобини бериб, орангиздаги муносабатни узсангиз яхши бўларди. Бу иш фақат сизнинг қўлингиздан келади. Ота-онаси бунга ожиз. Чунки фарзандларининг дилига озор етказиб қўйишдан қўрқишаяпти. Илтимос, бу ерга келиб, сиз билан гаплашганимни ҳам билмасин у.

Аёлнинг сўзларини ийманибгина, кўзларини ерга қадаб эшитиб ўтирган Ҳанифа унинг мақсадини тушундию, бир оғиз ҳам сўз айта олмай, тушкун қиёфада жим қолди. Шу тобда унинг келажакка боғланган бор орзу-умидлари чилпарчин бўлганди гўё. Жувон ҳамон «коса тагида нимкоса» тариқасида Фарҳод унинг тенги эмаслигига урғу бериб, нималарнидир гапирар, қизнинг қулоғига бу сўзларнинг бири кирса, бири кирмасди. У аёл кетгач, даладаги сўқмоқ йўл бўйлаб онасидан хабар олиш учун қишлоққа қайтар экан, юраги қалтираб оёқларидан мадор кетганлиги сабаб, худди беморлардек қадам ташларди. Бўғзига тиқилган фарёддан ўзини аранг тийиб борарди у. Қизининг ранглари оқариб, бир алфозда кириб келганлигини кўрган Ҳожар хола нимадир бўлганлигини дарҳол сезди. Онасининг руҳиятига таъсир қилувчи ҳар қандай ҳолатдан уни асрайдиган Ҳанифа ёлғизгина меҳрибонининг тиззасига бошини қўйдию ҳўнграб йиғлаб юборди.

Онаизор унинг ўксиб йиғлаётганига ўша йигит сабабчи эканлигини англаб етди. Қизининг бошини силаб:

– Бахтимга соғ бўлгин болам. Бошинг тошдан бўлсин, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, – деди кўз ёшлари юзини ювиб.

Шу куни Ҳанифани тонгга яқин кўзи илинди. Ўксик қалбини нурга тўлдирган ширин бахт шу қадар омонат эканлигини, бир зумда ундан юз ўгираётганлигини тасаввурига сиғдира олмасди. Туни билан онасига билдирмай гоҳ йиғлаб, гоҳ Фарҳодга айтадиган гапларини ўйлаб чиқди. «Балки бу яхшиликкадир», кўнглидан ўтказарди қиз ўзига таскин бериб. «Чунки боболарим ўтган ота жойимни кимгадир сотиб, ёки ташлаб қўйиб узоқларга кета олайман-ку. Бундай қиладиган бўлсам онам ҳам қийналиб, кимгадир зор бўлиши аниқ. Нима бўлмасин тақдиримга туташ инсон шу қишлоқдан бўлиши лозим. Фарҳод акани эса ҳаётимдан ҳам, хаёлимдан ҳам бутунлай чиқариб ташлашим шарт».

Тонгга яқин унинг тушига бобоси кирди. Ҳанифа бобосини, култепага айланган ҳашаматли уйларини эласэлас эслайди. У пайтларда жуда ёш бўлгани сабаб отхоналаридаги саман отлару, ҳовлиларидаги қатор-қатор уйлар болалик хотирасида улкан ва ҳашаматли тарзда муҳрланиб қолган. Тушида худди ўша онлар қайта жонланди. Ҳовлиларига отда виқор билан кириб келган бобоси унинг тушишига ёрдамлашиш учун югуриб келган хизматкорларга «тўхтанглар», ишорасини қилдию нигоҳини унга термулиб турган Ҳанифага тикди. «Бу жойлар сенга омонат, қизим», унинг овози гуркираб чиқарди. «Бутун аждодларнинг умиди сендан. Сен ўқи, билим ол, шунда йўлинг ёруғ бўлади». У шаҳд билан отини орқага қайтарди-да, дарвозадан қайтиб чиқиб кетди.

Уйғониб кетган Ҳанифа бобосининг ишорасини тушунди. Негаки, бундан икки-уч кун аввал бригадаларига келган раис:

– Қизим, сени мактабда жуда яхши ўқиган деб эшитган эдим. Колхозга хотин-қизларни олий ўқув юртларида таълим олишлари учун йўлланма келган. Хоҳласанг муаллимлар тайёрлаш олийгоҳида сиртдан ўқишинг ҳам мумкин экан. Қўлингда дипломинг бўлса қишлоқдаги мактабда болаларга дарс берар эдинг. Бу сенинг қўлингдан келади. Чунки ота-боболаринг саводли инсонлар бўлишган, – деган эди. Ҳанифа бунга жавобан:

– Онам билан маслаҳат қилиб кўрайчи, – деди ийманибгина ўзига бўлган эътибордан қувониб. Бироқ бу ҳақда онасига оғиз очмаганди ҳали. Уйлаб кўрса бу қизнинг ҳаётида катта бурилиш ясай оладиган ҳолат эди аслида.

Эртасига ранги афтодаҳол Ҳанифа уй юмушларини тугатиб, тонгда далага йўл олди. У айнан шу куни Фарҳоднинг келишини кутмаганди. Тушга яқин олдида кўзлари бахтдан, тўғрироғи муҳаббатдан порлаб турган йигит пайдо бўлганида айтадиган гапларини ҳам унутиб, ўзини йўқотиб қўйди. Ўша ондаёқ англаб етдики, бу йигит ҳаётига ширин хотира сифатида бир умр муҳрланиб қолади.

Ўзини бир оз қўлга олган қиз салом-аликдан сўнг:

– Ҳамманинг кўз олдида олдимга келишингиз яхши эмас, – деди тунд қиёфада унга эътироз билдириб.

– Яқинда тўйимиз бўлади-ку бу қайсар қизнинг гапини қаранглар, – деди йигит қувноқлик билан унинг ҳолатига эътибор бермай. Ва, қўйнидан қоғозга ўроғлиқ нарса чиқариб, Ҳанифага узатди, уни. Қиз худди уларни ҳамма кузатиб тургандек, атрофга олазарак қаради-да:

– Бу нима? – деди кўзлари жовдираб.

– Намунча қўрқиб кетдингиз? Қаранг, дугоналарингиз аллақачон тушликка чиқиб кетишган, – кулди Фарҳод ва унинг кўнгли хотиржам тортиши учун олиб келган совғасини очди. Оловранг қизил ғижим бахмалга кўзи тушиб, Ҳанифанинг юраги хапқириб кетди. Ўша пайтларда ниҳоятда ноёб бўлган бу қимматбаҳо мато камдан-кам аёлларга насиб этар, фақат бадавлат хонадон қизу жувонларида кўриш мумкин эди, уни.

– Бу совғангизни ололмайман, бунга ҳаққим йўқ, – қовоғини очмай, ўзини қўлга олиб йигитга юзланди Ҳанифа. – Чунки сизга турмушга чиқмоқчи эмасман. Ўзимизнинг оиламизга мос узоқ қариндошларимизнинг ўғлига унаштиришмоқчи мени. Негаки, хонадонимизга келиб, биз билан бирга яшашга рози бўлди у. Шунинг учун сиздан илтимос, энди олдимга келманг. Гап-сўз кўпайса бахтимга зомин бўласиз.

Йигит қизнинг бу сўзларидан бир зум қотиб қолди. Унинг совға тутган қўллари билинар-билинмас қалтирарди.

– Совчилар келиб унаштиришларига оз қолганда бундай қарорга келишингизнинг бошқа сабаби бўлиши керак, шундайми? – Ҳанифанинг юзига синчков тикилди у.

– Сизга айтган гапларимдан бошқа ҳеч қандай сабаб йўқ. Энди мени унутинг.

Ҳанифа ортига қараб кетмоқчи эди ҳамки Фарҳод уни тўхтатиб, қўлидаги совғани узатди.

– Майли, ҳозир кайфиятингиз йўққа ўхшайди. Кейин гаплашиб оламиз. Фақат совғамни олинг. Бўлмаса сизни ҳеч қаерга қўйиб юбормайман.

Унинг сўнгги гапидан чўчиб кетган қиз атрофга қарай-қарай совғани олди-да илдамлаганча онаси томон шошилди...

Орадан ойлар ўтди. Фарҳод не чоғлик ҳаракат қилмасин Ҳанифа қароридан қайтмади. Қўни-қўшнилар ёрдами билан онасини даволатди. Ҳожар холанинг аҳволи бир оз яхшилангач, олийгоҳга сиртдан ўқишга кирди. Мактабда болаларга дарс бера бошлади. Аммо унга яхши умр йўлдош насиб этмади. Ўғли ва қизи дунёга келгач, ўта рашкчи ва шаробхўр эрнинг зуғумига чидаб яшашга мажбур бўлди у. Сал нарсага қўл кўтарадиган бадфеъл умр йўлдоши сабаб бошқа фарзанд кўрмади ҳам.

Ўғлига қалбига кўмилган муҳаббатидан хотира сифатида Фарҳод дея исм қўйди. Энг асосийси, ўзининг сабри, иродаси, ишбилармон ва билимдонлиги билан элюртда ҳурмат топди. Ота жой – боболари масканини обод қилди. Ўғли ва қизини олий маълумотли, элга манзур қилиб вояга етказди.

Мана, Ҳанифа момо умрининг сўнгги кунларини яшаяпти. Ҳаётини сарҳисоб қилар экан, ёшлик чоғлари хаёлида қайта гавдаланди-ю Фарҳодга нисбатан қай даражада ноҳақлик қилган бўлмасин, тўғри йўл тутганлигини ҳис қилди. Сандиқда пайдо бўлиб қолган духоба ҳақида эса қизи Арофатга ҳеч нарса айтмайди. Кўнгил мулкига айланган бу сирни ўзи билан қабрига олиб кетишга қарор қилди у.

Кўп ўтмай Ҳанифа момо энг оғир кунларида руҳан таянч бўлган Фарҳод билан боғлиқ ширин хотираларни ёдга олганча ҳаётдан кўз юмди. Таъзияга кўп одам йиғилди. Ҳанифа момонинг тобути қўлдан-қўлга ўтиб борар экан, тобут устидаги қизил ғижим бахмал баҳор қуёши остида лов-лов ёниб гўёки атрофга нур таратарди.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА

ПАУК – РАЗВЕДЧИК


Научно-исследовательская лаборатория Сухопутных войск США заключила соглашение с консорциумом, получившим название MAST, во главе с британской компанией «БАэ системз» (в него вошли некоторые НИЛ американских университетов, а также лаборатория реактивного движения) на проведение НИОКР по созданию мини-робота. Общая стоимость работ на первом этапе составляет 38 млн. долларов. По расчетам военных специалистов, масса аппарата не превысит 35 г, а объем корпуса составит около 4 см3. Мини-робот имеет необычный внешний вид – выглядит как небольшой паук, передвигающийся на восьми опорных «ножках», приводимых в движение электрическими бортовыми микромоторами. Разработчики считают, что эту машину можно будет применять для ведения видовой или РХБ-разведки прежде всего в труднодоступных местах (например, трубопроводы, тоннели, шахты), для чего он может оснащаться оптоэлектронными или соответственно датчиками РХБ-разведки. Управление аппаратом и передача данных будут осуществляться по двусторонней линии радиосвязи.



ВОЗМОЖНОСТИ ЕЩЕ ИЗУЧАЮТСЯ

В ВМС США ведутся исследования, которые предусматривают возможность размещения на модернизированных атомных подводных лодках с крылатыми ракетами (ПЛАРК) типа «Усовершенствованная Огайо» многоцелевого обитаемого подводного аппарата. Этот аппарат будет предназначен в основном для ведения разведки в прибрежной морской зоне. Он будет оснащен дизель-электрической энергетической установкой, а также приборами гидроакустической и оптоэлектронной разведки. Кроме того, на его борту может быть размещен необитаемый дистанционно управляемый подводный аппарат для поиска морских мин.

Военные специалисты также изучают возможности ПЛАРК по экстренной эвакуации из угрожаемой зоны как военнослужащих, так и гражданского населения численностью до 500 человек и нахождения их на борту лодки до 2 суток (или меньшего числа людей на более продолжительный срок). В оборудованных помещениях подводкой лодки будет создан необходимый запас питания, воды, воздуха, а также медицинских препаратов.



ЖАНГОВАР ТАРКИБГА КИРИТИЛДИ



«Локхид-Мартин» компаниясининг С-5М «Супер Гэлакси» номли дастлабки модернизациялаштирилган стратегик ҳарбий-транспорт самолёти АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари жанговар таркибига киритилди. Мазкур замонавий самолёт қўшинлар, қурол-яроғ ва ҳарбий техникаларни ҳаво орқали бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, шунингдек, уларни парашют билан ва қўниш орқали десант қилиб туширишга мўлжалланган. Бу машиналар турли дастурлар доирасида замонавий борт радиоэлектрон ускунадари билан жиҳозланмоқда, уларнинг икки контурли TF39-GE-1C русумли турбореактив двигателлари янада қудратли ва тежамкор CF6-80C2 двигателлари билан алмаштирилмоқда. Янги борт радиоэлектрон ускуналари таркибига самолётни ҳар қандай об-ҳаво шароитида бошқариш тизими, шу жумладан инерциал бошқарув тизими асосидаги автопилот, йўлдош орқали алоқа, глобал ҳаво ҳаракатини бошқариш, ҳаводаги ҳамда ерга қўнишдаги тўқнашувларнинг олдини олиш, шунингдек, хавфли пасайиш ҳақида огоҳлантириш тизимлари киради.

Учувчиларнинг асбоб-ускуна доскасидаги барча стрелкали асбоблар олтита кўп вазифаларни бажарувчи суюқ кристалли рангли дисплейлар (ўлчами 15,2х20,3 см) билан алмаштирилган.

Ҳарбий-транспорт самолётининг асосий тактик-техник тавсифлари қуйидагича: экипаж – 5 киши, максимал кўтарилиш оғирлиги 348300 кг, максимал учиш тезлиги соатига 920 км (8000 м баландликда), энг юқори кўтарилиш нуқтаси 10100 м, максимал учиш узоқлиги 5600 км (118400 кг юк билан). Олиб учиши мумкин (вариантлар): 118400 кг юк, 345 нафар десантчи, ёки иккита М1А1 «Абрамс» танки, ёхуд битта М1А1 «Абрамс» танки ва иккита «Брэдли» русумли пиёдалар зирҳли машинаси ёки бешта М113 зирҳли транспортёрлари ва ҳ.к. Дастлаб С-5М типидаги барча 111 та самолётни (60 та С-5А, 49 та С-5В ва иккита С-5С) қайта жиҳозлаш кўзда тутилган эди. Бироқ дастур қийматининг ошиши ва молиявий маблағларнинг қайта тақсимланиши сабабли фақат С-5В ва С-5Сларни модернизациялаш белгиланди.

ЗАРУРИЙ ТИЗИМЛАРГА ЭГА

Руминиянинг MLI–84M «Жейдерул» (Jderul) русумли пиёдалар жанговар машинаси мотоўқчилар бўлинмаси (9 нафаргача тўлиқ таъминланган пиёдалар)ни олиб юриш ва уларни жанг вақтида ўт очиш билан қўллаб туришга мўлжалланган. У Россиянинг БМП-1 русумли пиёдалар жанговар машинасининг модернизациялаштирилган варианти бўлиб, ушбу модернизация Руминия қуролли кучларига қарашли қуроллар ва ҳарбий техникаларни НАТО стандартларига мослаштириш дастури доирасида амалга оширилган. Мазкур зирҳли машина қуввати 400 от кучига тенг бўлган С9 «Катерпиллер» русумли дизель двигатели билан жиҳозланган бўлиб, у максимал ҳаракатланиш тезлигини шосседа соатига 70 км.гача (сувда соатига 7 км) етказиш имконини беради. Шунингдек, машинага «Харрис» фирмасининг қисқа тўлқин (КВ) ва ультра қисқа тўлқин (УКВ) диапазонларида ишловчи радиоалоқа воситалари ўрнатилган.


«Жейдерул»нинг жанговар оғирлиги 17,08 тонна. Асосий қурол сифатида унга Исроилнинг «Рафаэль» фирмасида ишлаб чиқилган ва таркибига OWS -25 русумли 25 мм.ли автоматик тўп, у билан жуфтлаштирилган 7,62 мм.ли ПКТ пулемёти ҳамда «Спайк» LR русумли танкка қарши бошқарилувчи ракеталар кирувчи масофадан бошқариладиган қурол модули ўрнатилган. Бундан ташқари, машина корпусининг қуйруқ қисмида 7,62 мм.ли зенит пулемёти ҳам бор. 81 мм калибрли



тутунли гранаталарни отиш қурилмалари икки ён борт бўйлаб учтадан ўрнатилган. Тўп биттадан ва қатарасига (1 дақиқада 100, 200 ва 600 та) ўт очиш режимига эга. Унинг жанговар заҳираси 450 та снаряд, улардан 200 таси отиш учун тайёр. Танкка қарши бошқарилувчи ракеталарни самарали отиш узоқлиги 200–4000 метрни ташкил этади. Машина радиокимёвий кураш – ҳимояланиш ҳамда корпус ичидаги ёнғинни автоматик ўчириш тизимлари билан жиҳозланган. MLI-84M «Жейдерул»нинг биринчи партияси Руминия қуролли кучларининг қуруқликдаги қўшинларига 2005 йилда етказиб берилган.

ПАРАШЮТ УСУЛИДА ҚЎНДИРИШ

Германиянинг KZO (Kleinfluggerat ZielOrtung) русумли разведкачи учувчисиз учиш аппарати (УУА) «Рейнметалл» концерни мутахассислари томонидан яратилган ҳамда ер усти нишонларини разведка қилиш ва уларнинг жойлашган ўрни ҳақидаги маълумотларни артиллерия бўлинмаларига етказиб бериш вазифаларини бажариш учун мўлжалланган. Қуввати 32 от кучига тенг бўлган икки цилиндрли двигатель ва турткич винт билан жиҳозланган мазкур аппарат 3 соату 30 дақиқа мобайнида 150 км радиусда учиб юришга қодир. Унинг максимал кўтарилиш оғирлиги 161 кг, фойдали юк олиш оғирлиги 35 кг, максимал учиш тезлиги соатига 220 км, энг юқори кўтарилиш нуқтаси 4300 м. Аппаратнинг узунлиги 2,26 м, қанот кўлами 3,41 м, фюзеляж диаметри 0,96 м. Фойдали юк сифатида кундузи ва тунда таъвирий разведка олиб бориш учун учиш аппаратининг тумшуқ қисмига «Офелиос» русумли оптоэлектрон блок ёки антенна апертураси синтезлаштирилган радиолокация тизими ўрнатилиши мумкин. KZOни учириш қаттиқ ёқилғили тезлаткич ёрдамида ўта қийин (ёмон) йўллардан ҳам юра оладиган автомобилга ўрнатил-



ган транспорт-учириш қурилмасидан амалга оширилади, қўндириш эса парашют усулида бажарилади. УУАни учиш вақтида бошқариш ва нишонлар ҳақидаги маълумотларни учишни бошқариш пунктига етказиб бериш икки томонлама радиолиния орқали амалга оширилади.

М. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлаган.

TV ДАСТУР

30 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05, 16.55, 20.05, 21.35 «Сайлов–2009».
7.20 «Очун».
7.30 «Икки дарё оралиғида».
7.55 «Олтин мерос».
8.00 «Таҳлилнома».
8.40, 02.30 «Маънавият дастури».
9.40 «Болалар дунёси».
10.00 «Нонни босган қизча». М/ф.
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
АҚШнинг Афғонистон масаласи бўйича янги стратегияси ҳақидаги Оқ уйнинг қарори декабрь ойининг биринчи ҳафтаси мобайнида эълон қилиниши мумкин, деб хабар беради The New York Times мамлакат маъмурияти вакилларининг маълумотига таянган ҳолда. Президент Обамага бу борада тўртта янги режа таклиф этилган эди. Аммо бу стратегияларнинг ҳеч бири уни қониқтирмаган. Обама «уларнинг ҳар биридан энг яхши ғояларни олиб» якуний стратегия ишлаб чиқишни топширган.



Портлашнинг олди олинди

Белфаст шаҳридаги полиция штаб-квартираси ёнида ичига 180 кг портловчи модда ортилган автомобиль топилган, деб хабар қилади Британиянинг Sky News канали полиция раҳбарияти маълумотига таянган ҳолда. Маълум қилинишича, машина ичидаги қўлбола бомба портламаган, аммо машинада ёнғин чиққан. Жабрланганлар йўқ, тергов ишлари давом этмоқда. Шимолий Ирландия полицияси тахмин қилишича, бомба Ирландия республикачилар армияси (ИРА) жангарилари томонидан қўйилган бўлиши мумкин.



Қутқарув ишлари давом этмоқда

Хитойнинг Хэйлунцзян вилоятидаги кўмир қазиб олувчи «Синьсин» давлат корхонасига қарашли шахтада метан портлаши натижасида 104 киши ҳалок бўлган, яна 4 нафар кончи дом-дараксиз йўқолган, дейилади ИТАР-ТАССнинг Xinhua маълумотига таяниб тарқатган хабарида.

Кондаги қутқарув ишлари давом эттирилмоқда. Аммо фожеа юз берган жойда қолиб кетган кишиларни топишга бўлган ишонч жуда кам, деб ҳисоблашмоқда мутахассислар. Портлаш юз берган вақтда ер остида 528 киши бўлган, улардан 420 нафари мустақил равишда тепага чиқиб олишига эришган.



Атом электростанциясида авария

Пенсильвания штатидаги «Три Майл Айленд» атом электростанциясида радиация сизиб чиқиши содир бўлган. Бу ҳақда маҳаллий телекомпания хабар берган. Радиация сизиб чиқиши аниқланмаган сабабларга кўра биринчи энергоблокда олиб борилаётган таъмирлаш-профилактика ишлари вақтида содир бўлган. Биринчи энергоблокда газ билан пайвандлаш ишлари олиб борилаётган вақтда радиоактив моддалар сизиб чиққани ҳақида огоҳлантирувчи автоматик сигнализация ишлаб кетган. Маълумотларга кўра, ҳеч кимга жиддий зарар етмаган.



Ҳали инқироз давом этмоқда

Йель университети иқтисодиёт профессори Роберт Шиллернинг фикрига кўра, жаҳон иқтисодиёти ҳали-ҳануз инқироз таъсири остида, «Биз Буюк турғунлик давридан буёнги энг кучли молиявий инқироздамиз... Банкнинг кредитлаш ҳажмларини аввалгилари билан таққослаб бўлмайди. Истеъмолчилар ҳам ўз сарф-ҳаражатлари даражасини сақлай олмаяптилар. Ҳатто АҚШдаги иш билан бандлик борасидаги сўнгги ачинарли маълумотлар ҳам мени чуқур ўйлашга мажбур қилмоқда», – дейди профессор.



Уяли телефонлар учун «овоз ўчиргич»

Британия қамоқхоналари уяли алоқа воситалари сигналларини йўқ қилувчи асбоб-ускуналар билан таъминланиши зарур, дейди мамлакатнинг энг йирик Вандсворт қамоқхонаси мустақил кузатув кенгаши раиси Дэвид Жемисон. Қамоқхона ичида уяли телефон нархи 400 фунт-стерлинггача бормоқда. Унинг маълумотига кўра, маҳбуслар орасидаги бундай савдо ҳажми 2008 йилда 9 млн фунт-стерлингга етган, 7 мингта уяли телефон мусодара қилинган, деб хабар беради BBC. Мутахассис фикрича, бундай «овоз ўчиргич»ларга сарфланган маблағ қисқа муддат ичида ўзини тўлиқ оқлайди.

(www.NEWSru.com)

ТАРАҚҚИЁТ

2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

КИЧИК САРМОЯНИНГ КАТТА ФОЙДАСИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг янада юксалиб, халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иқтисодиётимизга салбий таъсирини юмшатишда, аҳоли бандлигини таъминлашда истеъмолчи талаб ва эҳтиёжига тез мосланувчи кичик бизнеснинг ўз ўрни бор. Мамлакатимизда қишлоққа саноатнинг кириб бориши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда тижорат банклари алоҳида ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 5 майда қабул қилинган "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги фармонига асосан фаолият бошлаган мазкур молия муассасаси тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланди. Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони эса банкнинг тадбиркорларга имтиёзли кредит бериш имкониятларини янада кенгайтиришида муҳим омил бўлмоқда.

– Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида банкимиз томонидан чекка туманларда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди "Микрокредитбанк"нинг инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташқи алоқалар департаменти директори Фарҳод Азизов. – Шу мақсадда Жаҳон банки таркибидаги Халқаро тараққиёт уюшмаси билан «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш 2-босқичи» лойиҳасини амалга ошириш борасида шартнома имзоладик. Ушбу узоқ муддатли лойиҳанинг қиймати 5 миллион АҚШ долларига тенг. Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан «Қорақалпоғистон Республикасида пилла чиликни ривожлантириш» лойиҳаси амалиётга жорий этилди. У Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний ва Хўжайли туманларида татбиқ этилмоқда. Олиб борилаётган бундай изчил ишлар ва халқаро ҳамкорлик банкимиз нуфузининг ошишига хизмат қилмоқда. Хусусан, Марказий Осиё ва Европадаги микрокредит берувчи жаҳоннинг энг яхши 100 банки сафига қабул қилинган «Микрокредитбанк» 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди. Банк жорий йилда VISA халқаро тўлов тизимига қабул қилинди.

Айни вақтда банк кредит сиёсатида белгилаб олинган устувор йўналишларда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатишга қаратилмоқда. Тадбиркорлик орқали ички бозорни тўлдирадиган ишлаб чиқариш объектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 90 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 баробар кўп демакдир. Мазкур маблағлар ҳисобидан 87 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида қишлоқда замонавий ва сифатли сервис хизмати турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, 8,4 миллиард сўм миқдорида сармоя ажратилди. Ушбу маблағ умумий овқатланиш объектлари, транспорт ва телекоммуникация хизматлари ташкил этиш, маиший хизмат объектларини ишга туширишга йўналтирилди. Натижада 60 турдаги сервис хизмати йўлга қўйилди.

Серҳосил заминимизда етиштирилган маҳсулотларга дунё миқёсида талаб юқори. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қайта ишланиши ички бозор тўкинлигини таъминлаш баробарида экспорт имкониятларини кенгайтиради. "Микрокредитбанк" кўрсатаётган имтиёзли микролизинг хизмати завод қураётган ишбилармонларга зарур техника воситаларини харид қилишда қўл келаётир. Жумладан, юртимизда бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Агромнитех-Экспо" кўргазма-савдосида гўшт, сут, мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган замонавий ускуналар харид қилиш учун йирик миқдорда микролизинг хизматлари кўрсатилмоқда. Жорий йилда банк томонидан кўргазма-савдода 539,4 миллион сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Аёллар орасида тадбиркорликни кенгайтириш мақсадида жорий йилда қишлоқ жойларда якка тартибда ўз бизнесини очган қарийб 5 минг нафар хотин-қизга 5,9 миллиард сўм миқдорида бошланғич сармоя берилди. Шунингдек, ёш оилаларнинг тадбиркорлик йўналишидаги ишларини ташкил этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш орқали оилада даромад манбаини яратиш учун қарийб 4,3 минг ёш оиланинг турмуш-жаати ижобий ҳал этилди.

"Микрокредитбанк" мижозларга қулайлик яратиш мақсадида хизмат кўрсатиш доирасини тобора кенгайтирмоқда. Хусусан, қишлоқда касаначилик ва саноатни жадал ривожлантириш учун сармоялар ажратмоқда. Тикувчилик, қайта ишлаш ва мебель саноати ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш учун қарийб 7 миллиард сўм ажратилди. Шунингдек, иссиқхона ташкил этиш, чорвачилик, паррандачиликни ривожлантириш, маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби йўналишлар учун 54,1 миллиард сўм сарфланди.


"Микрокредитбанк" мижозлари ажратилган кичик сармоялардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқаришда улкан ютуқларга эришиш билан бирга янги иш ўринлари яратмоқда. Мисол учун, хивалик тадбиркор Меҳрибон Маткаримова банкдан кредит олиб, табиий ашёлардан гилам тўқишни ва кашта тикишни йўлга қўйди ҳамда 20 иш ўрни яратди. Элликқалъа туманидаги "Дилмурод-Диёрбек" корхонаси раҳбари Давронбек Қобулов банкнинг "120-миллиард кредит" соврини эгаси бўлган эди. Ҳозирги кунда 40 дан ортиқ иш ўрнига эга бўлган корхонада тайёрланган қурилиш материалларига талаб ошиб бораётир.

"Микрокредитбанк" бераётган кичик сармоялар юртимизда тадбиркорлар сонининг ортиб, янги иш ўринлари яратилишига ва аҳоли фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилаётир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА шарҳловчиси.

Рақамлар – тараққиётдан сўзлар

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ



Маълумки, Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган асосий вазифалардан бири – бу корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этишдир. Бу муҳим вазифа аввалambор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир.

Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни тезлаштириш билан мамлакатимизнинг ҳам ташқи, ҳам ички бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаймиз.

Шу ўринда жорий йилнинг ортда қолган 9 ойи мобайнида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш борасида амалга оширилган ишларни Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси берган маълумот ҳамда рақамларда кўриб чиқайлик.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурларининг ижроси доирасида ҳисобот даврида ёқилғи ва кимё саноатида, машинасозликда, қора металлургияда, қурилиш материаллари саноатида, пахта тозалаш тармоғида, фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноатида ва бошқа тармоқларда 156 та лойиҳа амалга оширилди.

Ёқилғи саноати корхоналарини бурғулаш мосламалари ва ЗД сейсмоқидирув комплекслари билан жиҳозлаш, «Идас Электроникс» МЧЖ қўшма корхонасида автомобиллар учун рақамли соатлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, «УзТонг-Хонг» қўшма корхонасида автомобиль ўриндиқларини ва «УзКоджи» қўшма корхонасида автомобиль электрожгутлари ишлаб чиқариш қувватларини ошириш бўйича лойиҳалар бажарилди.

Ҳар бирида 40-45 минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга 9 та пахта тозалаш заводи модернизация ва реконструкция қилинди.

Қолипли нон ишлаб чиқариш бўйича корхоналарни модернизация қилиш ва қолипли нон ишлаб чиқариш бўйича замонавий кичик корхоналарни қуриш дастури асосида 100 та объект ишга туширилди.

И. ҚУРБОНОВ.

Инқирозга қарши чоралар дастури – амалда

КОРХОНА МАҲСУЛОТИ – ЭКСПОРТГА

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизда ишлаб чиқариш тармоқларининг барқарор ривожланишини таъминламоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, бу борада яратилаётган кенг имкониятлар мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш, экспорт ҳажмини ошириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Наманган вилоятидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Бунёд-текстиль" масъулияти чекланган жамияти ана шу имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, ўз маҳсулотлари билан истеъмол бозорига дадил кириб бораётган корхоналардандир.

– Наманган шаҳрининг саноат ҳудудидан ер олиб, корхона биносини тикладик, – дейди корхона директори Аҳмаджон Халилов. – Корхона учун зарур бўлган ишлаб чиқариш цехи, маъмурият биноси ва ижтимоий-маиший ёрдамчи иншоотларни қуриб битказгач, ҳукуматимиз томонидан берилаётган кенг имкониятлардан фойдаланиб, "Алоқабанк"дан кредит олдик ва замонавий технологик дастгоҳлар келтириб ўрнатдик.

"Бунёд-текстиль" корхонасида йигирма турдан ортиқ болалар кийим-кечаклари, катталар учун махсус иш кийимлари тайёрланмоқда. Бу ерда жорий йилнинг ўтган даврида 160 миллион сўмлик сифатли маҳсулот тайёрланди. Қарийб 85 минг АҚШ доллари қийматига тенг маҳсулот экспорт қилинди.

Янги йилдан корхона жамоаси ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишни мўлжалламоқда.

– Ишни икки сменада ташкил қилиш орқали яна қирқ кишини иш билан таъминлаймиз, – дейди А.Халилов. – Чунки маҳсулотимизга талаб ортиб, харидор ва буюртмачилар сони кўпаймоқда.

А. САТТОРОВ,
ЎзА мухбири.

МАЪНАВИЯТ

МАҚСАД – БАРКАМОЛ ЁШЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ









Маънавиятни мустаҳкамлаш, ёшларни аждодлар анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш ҳамиша энг долзарб масалалардан бўлиб келган. Чунки мамлакатнинг тараққий этиши, дунё ҳамжамиятида мустаҳкам ўрнига эга бўлиши, фарзандларнинг баркамол, юрт корига камарбаста бўлиб улғайиши, аввало, маънавий етукликка бориб тақалади. Шу боис ҳам мустақилликка эришилган дастлабки йилларданоқ мамлакатимизда миллий қадриятларимизни юзага чиқариш, унутилган анъаналаримизни қайта тиклаш, тарих, адабиёт, илм-фан ва маънавий бойликларни халқимизга қайтариш, фуқаролар онгу шуурида уларга нисбатан ҳурмат, ифтихор туйғуларини шакллантиришга катта аҳамият берилди. Барча соҳаларда бўлгани каби Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган посбонларнинг дунёқарашини кенгайтириш, билимларини бойитиш, ўз соҳаларининг ҳақиқий эгаси – профессионал ҳарбий хизматчи бўлиб етишишларига, шунинг баробарида, буюк саркарда боболари каби ор-номусни, эркни, юрт шаънини ҳар нарсадан устун қўядиган асл ўғлонлар бўлиб шаклланишларига эришиш устувор вазифалар сифатида белгиланди. Бугун халқимиз ўртасида армияга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, ёшларимиз учун ҳарбий хизмат орзуга, чинакам ифтихорга сазовор касбга айланди. Армия эр йигитларнинг ҳар томонлама тобланиши, чиниқиши, жанговар техникани ва ҳарб илмини пухта ўзлаштирган, ҳар қандай вазиятда оқилона қарор қабул қила оладиган, энг муҳими, билдирилган ишончни оқлайдиган шунқорлар бўлиб улғайишига хизмат қилувчи ҳаёт мактаби сифатида эътироф этила бошлади.

Юртбошимизнинг Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида шундай дейилади: **“Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш даркор. Барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим. Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук граждан сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши шарт”.**

Давлатимиз раҳбарининг **“Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”**ги Қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида илмий-услубий бўлим ташкил этилди. Бўлим фаолият кўрсата бошлаган қисқа вақт ичида Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар, давлат ва фан арбоблари, зиёлилар, санъаткорлар билан мулоқотлар, кўплаб давра суҳбатларини ташкиллаштирди. Жумладан, Миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммолар, миллий манфаатларимизга, танлаган йўлимизга зид бўлган зарарли ғоялар, уларнинг, айниқса, ёшларга таъсири, маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг моҳиятини очиб бериш ҳамда ҳарбий хизматчиларни ҳозирги пайтда кенг илдиз отаётган бундай иллатлардан бохабар этишга қаратилган кўплаб тадбирларни ташкил этди.

Хусусан, Илмий-услубий бўлим ходимлари халқимизнинг кўп асрлик миллий қадриятлари, диний қарашлари ҳамда ҳаётий удумларига ҳурмат, содиқлик назари билан қараш, айни пайтда ёшларимизнинг онгини заҳарлашга, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хавф-хатарлар ва уларга қарши қандай курашиш ҳақида посбонларга атрофлича тушунча беришга йўналтирилган йигирмага яқин ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказишди. Бундан ташқари, ҳарбий қисмларда Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари мазмун-моҳияти билан ҳарбий хизматчиларни яқиндан таништириш мақсадида туркум маърузалар ташкил этилди.

Ҳарбий қисмларда “Миссионерлик – жамият тараққиётининг кушандаси”, “Гиёҳвандликка қарши курашнинг долзарб вазифалари”, “Гербимиз – фахримиз, ғуруримиз, “Маънавиятимизга таҳдид – ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид”, “Глобаллашув шароитида ҳарбий хизматчилар қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг долзарб вазифалари”, “Ғоявий кураш: тарих, талқин, технология” каби мавзуларга бағишланган йиғинлар барчада яхши таассурот қолдирди, улар орқали ҳарбий хизматчилар кўплаб маълумотларга эга бўлдилар.

Мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини таъмин этиш йўлида кечаю кундуз хизматга шай ҳарбийларимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий билимларини ошириш мақсадида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан чоп этилган 15 турли рисола, китоблар, кўргазмали воситаларни ҳарбий қисмлар кутубхоналарига тақдим этилди. Улар орасида В.Қўчқоровнинг “Маънавият ва миллий ўзликни англаш”, А. Ҳайдаровнинг “Инсон камолоти ва миллий-маънавий қадриятлар”, Ш. Рўзиевнинг “Мафкуравий иммунитет манбалари”, Раҳмон Қўчқорнинг “Қарзга берилган нур”, А. Очилдиевнинг “Ватанпарварлик” каби бугунги кундаги долзарб масалалар таҳлилига бағишланган рисолалар ҳам борки, бу, албатта, Ватан ҳимоячиларининг маънавий юксалишига, ҳар томонлама билимли, тафаккури уйғоқ посбон бўлиб етишишига хизмат қилади.

Бўлим фаолиятидаги яна бир йўналиш – ҳарбий хизматчилар қалби ва онгида миллий тафаккур, соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, мустақил фикрни шакллантириш, уларни ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида, турли маънавий таҳдидларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган услубий тавсиялар, рисолалар ва мақолалар чоп этишдан иборат. “Миссионерлик нима?”, “Ақидапарастлик ва диний фундаментализм” сингари илмий рисолалар, тадқиқотлар шу мақсадда тайёрланди.

Илмий-услубий бўлим фақатгина мафкуравий-маънавий таҳдидлар олдини олишга, ахборот хуружларидан огоҳ бўлишга бағишланган анжуманлар, тадбирлар билангина чекланиб қолгани йўқ, балки ҳарбий хизматчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини уюштириш мақсадида кўплаб маданий тадбирлар, эл суйган санъаткорлар билан учрашувлар ташкиллаштиришни ҳам анъанага айлантирган. Жумладан, Марказий Офицерлар саройида, қатор ҳарбий қисм ва бўлинмаларда Ўзбек Миллий академик драма театрининг устоз санъаткорлари – Зикир Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳмедов, Теша Мўминов, Яйра Абдуллаева, Дилбар Икромова, Эркин Комиловлар билан ўтказилган учрашувлар, давра суҳбатлари бунга мисолдир. Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад юрт қўришдек шарафли ва масъулиятли вазифани адо этаётган посбонларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш билан бирга улар қалбида ҳарбийлик – кўплар орзу қиладиган, эл ардоғидаги касб эканлигига, бундайин шарафга ҳамма ҳам муносиб бўлавермаслигига ишончни мустаҳкамлашдан иборат. Зеро, кимки танлаган касбидан фахрланса, хизматидан кўнгли тўлсагина, юксак марраларни забт этишга қодир бўлади. Ўйлайимизки; шундай эзгу мақсад йўлида ташкил этилган илмий-услубий бўлимнинг келгуси фаолияти бундан-да мазмунли, эътирофга сазовор бўлади.

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ТАШРИФ

НАВОИЙНИ АНГЛАШ САОДАТИ

Алишер Навоий ижодий мероси улкан бир уммонки, биз бу беқиёс баҳри муҳитнинг тубига чуқурроқ шўнғиганимиз сайин маънилар ганжинасини, сўз қудратининг чўнг сеҳри-жозибасини қалбдан ҳис этамиз. Саҳифамизнинг бу галги сонида мутафаккир шоир ижоди, фаолиятига дахлдор баъзи қирралар ҳақида мухтасар тўхталишни лозим кўрган ҳолда таниқли навоийшунос олима, профессор Суйима Ғаниевани суҳбатга тортдик.



– Суйима опа, энг аввало, Алишер Навоий асарлари – ёшларимиз онгида, дунёқарашидаги тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтсангиз...

– Дарҳақиқат, йилдан-йилга Навоий сиймоси, унинг асарларига бўлган таважжуҳ (қизиқиш – Х.П.) тобора ортиб бормоқда. Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг: "Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз", деган фикрларига алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим.

Ёшларимиз Навоий асарларини, унинг қаҳрамонларини, ғазал, рубоийларини билишлари керак. Шоир ёшларга алоҳида эътибор берган, уларга панду насиҳатлар қилган, илм, касб-ҳунар ўрганишга ёшликдан киришиш лозимлигини уқтирган.

Навоий ёшликни "умр гулшанининг баҳори, ҳаёт шабистонининг наҳори... (тонги) инсоният гўзаллиги ундан башарият тобу тавонлиги (пухталиги ва қудрати) ундан, дея таъкидлаган. Ҳаёт бунёди – пойдеворини шу паллада мустаҳкамлаб олиш зарур, деган шоир.

Башариятнинг нималарга қодирлиги, нималардан сақланиши ёшларга боғлиқ. Илм, ҳунарни эгаллаш ҳақида Навоий кўп ёзган. "Илм – кўнгил уйини бир жаҳонга айлантиради..." "Қуёшлик истасанг касби камол эт..." Тил ўрганиш, она тилини мукаммал билиш ҳам шоирнинг диққат марказида турган. Зеро, тил башариятни ўтмиш ва замон билан боғловчи воситадир. Навоий достонларида шаҳзодаларга, ўз укаси Дарвешалига алоҳида фасллар ажратган, мен ёшларимизга уларни синчиклаб мутолаа этишни тавсия этар эдим.

– Мутафаккир шоирнинг Хуросон давлатини янада юксалтириш борасида амалга оширган хайрли ишлари ҳақидаги фикрларингизни билмоқчимиз...

– Алишер Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти унинг давлат хавфсизлиги, халқ осудалиги, фаровон ҳаётни таъминлаш сингари олижаноб фазилатларини қамраб олади. Бу ҳақида манбаларда алоҳида қайдлар мавжуд. Шоир ўзининг шахсий маблағларини бунёдкорликка сарф этган. Ўзидан олдин яшаб ўтган алломалар, шоирлар, олиму уламоларга мақбаралар бунёд эттирган, мавжудларини таъмирлаттирган.

Шоир мадрасалар, шифохоналар қурдирган. Диёримизда бу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳайратга соларли даражададир. Бу Навоий сиймосининг барҳаётлигидан, унинг ижоди, хайрли ишлари бугун ҳам бардавом эканлигини англатади.

– Маълумки, "Хамса" туркумига кирувчи "Садди Искандарий" достонида шоҳ мамлакат ҳудудларининг дахлсизлигини сақлаш мақсадида улкан "садд", яъни девор барпо эттиради. Шоирнинг бу мавзуга алоҳида урғу беришига қандай сабаблар туртки берган?

– Навоий достонларида ҳад-ҳудуд, мамлакат хавфсизлиги, адолатга оид фикрлар илгари сурилган. Бунга биргина мисол келтираман. Шоир "Садди Искандарий"да бир нечагина байтда, Искандар тилидан XX-XXI асрлар учун ҳам долзарб бўлган мавзуларга, масалаларга диққат-эътиборини қаратган. Навоийнинг бадиий қаҳрамони бўлган Искандар ўзининг ҳарбий юришларини давом эттириб, Ҳиндистонга боради. Бутун ҳинд ўлкасини бошқариб турган шоҳ Деҳли шаҳридаги дарвозаларини очдириб, унинг истиқболига чиқади. Шунда фотиҳ лашкар шаҳарга кирмасин, бешада, яъни ўрмонда жойлашсин ва ўрмон шаҳардан қанчалик йироқ бўлса, шунчалик яхши, тинч халққа улардан зиён-заҳмат етмасин, деган фикр билдиради. Шугина далилнинг ўзиёқ Навоий тинчлик, дахлсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратганини кўрсатади. Искандарнинг улкан девор қурдиришидан кўзлаган мақсади ҳам халқни ҳар хил таъсирлардан (достонда бу ҳолат яъжуж-маъжуж дея тилга олинади) ҳимоя қилишга бўлган масъулиятидан дарак беради.

– Том маънода "Шарқ Рафаэли" дея таъриф берилган Камолиддин Беҳзод Навоийнинг маънавий кўмаги, рағбатидан баҳраманд бўлган. Ҳассос шоир ва келажакда улкан мусаввир бўлиб етишган сиймони яқинлаштирган ришталарни нималар билан изоҳлаш мумкин?

– Алишер Навоий санъат аҳлига ғоят юксак ҳурмат билан қараган. Улардан ўзининг моддий ва маънавий кўмагини аямаган. Шоир ва мусаввирни ўзаро яқинлаштирган риштага келадиган бўлсак бу – уларнинг қалбан ҳамоҳанглиги, мўйқалам сеҳри, сўз қудратининг вобасталигидандир, деб билиш жоиз бўлади. Навоийнинг оталарча меҳру муҳаббатидан камол топиб улғайган Камолиддин Беҳзод шоир билан тез-тез учрашиб турган. Муаррих Хондамирнинг зикр этишича, Беҳзоднинг улуғ мартабаларга эришиши, "аср нодири", дея таърифланишига Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг иноят, илтифотлари асосий сабаб бўлган. Шоирнинг ўзи "Муншоат"даги бир мактубида унга самимий таъриф берганлигига гувоҳ бўламиз. Беҳзод томонидан ишланган Навоий сурати ва уни кўрган шоир, орифларнинг ҳазилмутойибалари, Восифийнинг "Бадоеъ ул вақоеъ" асарида баён этилади.

Кейинчалик Навоий, сўнгра Ҳусайн Бойқаро китобхонасида китобдор лавозимида фаолият юритган беназир истеъдод эгаси Беҳзод, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий достонларига, шайх Саъдий Шерозийнинг "Бўстон", Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарларига ишлаган миниатюралари жаҳон тасвирий санъати тарихида алоҳида тилга олинадиган жавоҳирлар сирасига киради.

2000 йил ноябр ойида эса ЮНЕСКО қарори билан Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланди. Шу сана муносабати билан мамлакатимизда ҳам илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Тадқиқотчиларнинг изланишларини ўз ичига олган тўпламлар нашр этилди.

Мен "Ватанпарвар" мухлисларига мутафаккир шоир ва бетакрор мусаввир ҳақидаги билимларини янада кенгайтириш учун Ойбек домланинг Навоий ҳақидаги мақолаларини, Н.Норқулов ва И.Низомиддиновларнинг "Беҳзод" китобини, О.Усмоновнинг "Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби" асарларини мутолаа қилишларини маслаҳат бераман.

— Мутафаккир шоир нафақат Ҳиротда, балки мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам ободончилик, бунёдкорлик ишларини олиб борган. Замондош муаррихлар Навоийнинг Астроободдаги фаолияти ҳақида нималарни ёзиб қолдиришган?

– Навоийнинг Астроободга ҳоким этиб тайинлангани сабабларини олимларимиз баъзи вазирлар, арбобларнинг иртижоълари туфайли, дейишган. Менимча, асосий сабаб тахт учун кураш олиб боришда толмаган темурий шаҳзодалар, жумладан, Абу Саъид Мирзо ўғли Султон Маҳмуд Мирзо Астробод орқали Ҳиротга ҳужумни режалаштирган эди. Ҳусайн Бойқаро Астроободга Навоий ҳоким бўлса, унинг обрў-эътибори, нуфузини шаҳзодалар оёқ ости қила олмайдилар ва Навоийнинг давлат хавфсизлигига оид масалаларни пухта билишлигига, тадбиркорлигига шоҳ эҳтиёжманд бўлганлиги ҳам асосий сабаблардан саналади. Мозандарон ва Журжон ҳокимлари кун тартибида Ҳиротга отланиш мақсади кўндаланг турарди...

Навоий Астроободдаги вазиятни, халқнинг аҳволини кўргач, дарҳол ишга киришган, бебош, ўз ҳаддини билмаган амалдорларни тизгинлаш чораларини кўради. Имкон қадар халқнинг мададкори бўлишга ҳаракат қилади. Бу ҳақда Навоийнинг биографи Хондамирнинг ёзишича, шоир адолат маснадида ўтириб, Навоий Астроободни обод ва маъмур шаҳарларнинг бирига айлантиради. Лекин унинг Астроободдаги ҳаёти ҳақида шеърларида, мактубларида Ҳиротдаги дўстларини, қайноқ ижодий муҳитни қўмсагани сезилади... Масалан, шоирнинг бир ғазалида кайфият ва ўкинчлари ўз ифодасини топган:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай...

Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тиғи кин,
Янгилиб аввал менинг жонимға бедод айлагай.

Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй пари,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.

Навоий Астроободда бир йил яшагач, Ҳиротга қайтади. Ҳусайн Бойқаро Навоийга вазиятни баён қилиб, Астроободга қайтиш лозимлигини уқтиради. Шоир йўлга отланади. Навоийнинг жияни Ҳайдар Сабуҳий (тоғаси Саид Кобулийнинг ўғли) Ҳиротдаги бир йиғинда Навоийнинг ошпази уни заҳарламоқчи бўлибди, деган асоссиз гапни тарқатади. Буни эшитган Ҳусайн Бойқаро дарҳол Навоийга мактуб йўллаб, бундан мутлақо бехабар эканлигини билдиради. Навоий хатни олган заҳоти Ҳиротга қайтади. Шоҳ ҳузурида Ҳайдар Сабуҳий: "Менинг мақсадим шундан сўнг, шояд сиз шоирни Ҳиротга қайтарасиз, деб ўйлаб эдим", дейди. Навоий ҳукмдор олдида жиянининг гуноҳи учун узрхоҳлик қилади.

– Мароқли суҳбатингиз учун ташаккур.

Хидирали ПАНЖИЕВ
суҳбатлашди.

МУЛОҲАЗА

МУҲИМ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛИГА БАҒИШЛАНДИ



Тошкент вилояти ҳокимлигида «Қишлоқ ёшларини ҳарбий хизматга тайёрлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг вазифалари» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Мудофаа вазирлиги, халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда сенаторлар, вилоят кенгаши депутатлари, ҳарбий хизматчилар ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси М. Усмонов кириш сўзи билан очди. У ўз сўзида бугун мамлакатимизда профессионал армияни шакллантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани, жумладан, фуқароларни танлов асосида муддатли ҳарбий хизматга олиш тизими яратилиб, чақирув комиссиялари ишида ошкоралик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилгани, бу эса ўз навбатида миллий армиямиз сафларини жисмонан бақувват, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ҳарбийлар билан бутлаш имконини бераётгани ҳақида атрофлича фикр юритди.

Шундан сўнг Мудофаа вазирлиги масъул офицери Б. Маҳмудов, Тошкент вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари С. Абдуллаев, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази директори ўринбосари З. Худойбердиев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши масъул ходими Т. Арслонов ҳамда «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Б. Абидовлар сўзга чиқишиб, фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашда маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органлари олдида турган долзарб вазифалар, бугун ушбу йўналишда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, эришилган ютуқлар борасида ҳам алоҳида тўхталиб ўтдилар. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши ҳарбий техник тайёргарлик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш. Исаевнинг «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасалари томонидан Қуролли Кучлар учун ҳарбий-техник мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўтказиладиган машғулотлар сифатини ҳамда ўқитувчиларнинг касбий малакаларини ошириб бориш, курсантларнинг замонавий техника бўйича билимларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган қўшимча чоратадбирлар таҳлилига бағишланган маърузаси йиғилганларни беэътибор қолдирмади.

Тадбир давомида сенаторлар ва вилоят кенгаши депутатлари «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини жойларда изчил ижро этиш, чақирув комиссиялари ишини янада яхшилаш, чақирилувчиларнинг тиббий кўрикдан сифатли ва холисона ўтказилиши юзасидан бир қатор таклиф ва тавсияларини билдиришди. Шу билан бирга чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни такомиллаштириш учун мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга қаратилган ишларга янада эътибор бериш зарурлигини ҳам қайд этиб ўтдилар. Айниқса, ёшларнинг ҳам жисмонан ҳам маънан етук инсонлар бўлиб вояга етишлари, улар ўртасида миллий ва умуминсоний қадриятлар, маънавиятимизни кенг тарғиб қилишда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан кўрсатилган йўл-йўриқлар семинар қатнашчиларининг диққат эътиборида бўлди.

Гулнора МУРОДОВА.
Убайдулла ФАЙЗУЛЛАЕВ суратга олган.

Қарор ва ижро

ИНТЕРНЕТ-КАФЕ НЕГА ЛИЦЕНЗИЯСИДАН МАҲРУМ БЎЛДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий соҳа, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги фармонида ахборот маконини ташкил этиш масалалари ўз аксини топган, бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги қарори билан тасдиқланган 2002–2010 йилларга мўлжалланган Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури амалга татбиқ этилмоқда.

Ушбу ҳужжатларда мамлакатимизда яқин истиқболда компьютерлаштириш ва АКТни ривожлантириш йўллари аниқ белгилаб берилган. Бу миллий ахборот маконини шакллантиришда кенг кўламли ишларни изчил амалга ошириш имконини бермоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига, шу жумладан, АКТ соҳасини ривожлантиришга салбий таъсирини бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бўйича фаол саъй-ҳаракатлар кўрилмоқда.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига мувофиқ қишлоқ жойларда АКТ хизматларини кўрсатиш бўйича инфратузилмани ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республика миллий интернет-сегментини ривожлантириш ишлари 2002–2010 йилларга мўлжалланган Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурига биноан амалга оширилмоқда. 2009 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, маълумотлар узатиш, жумладан, интернет тармоғига уланиш бўйича хизматлар кўрсатадиган хўжалик субъектлари сони 921 тага (2009 йилнинг олти ойида 897), умумий фойдаланиш пунктлари сони 963 тага (2009 йилнинг олти ойида 937) етди.

Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланишга доир умумий тезлик секундига 1125 МбитFc га етди. Айни пайтда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 2,6 миллион кишини ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январда қабул қилинган "Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ҳукумат порталини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати порталининг янги версияси ишлаб чиқилиб, интернет тармоғига жойлаштирилди. Янги порталда "Фуқарога", "Тадбиркор ва инвесторга" ва "Хорижий фуқарога" каби махсус бўлимлар бор. Бу бўлимларнинг мавзуга оид 100 дан ортиқ қисм ва кичик бўлимлардан республикамиз социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг турли жиҳатлари ҳақидаги ахборотлар, шунингдек, энг сўнгги янгиликлар, воқеалар, фото, видео ва аудиоматериаллар жой олган.

WWW.UZ. миллий ахборот-қидирув тизими ҳам модернизация қилинди. Тизимда Ўзбекистонда интернет тармоғини жадал ривожлантириш акс эттирилган «Жамланма статистика» жорий этилган. WWW.UZ. ҳисоблагичини ўрнатган барча миллий сайтларга киришга оид статистик маълумотлар ушбу бўлимнинг муҳим жиҳатларидандир.

Айни пайтда мамлакатимизда интернет тармоғини такомиллаштиришга оид ишларни изчил ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, фаолиятини тартибга солиш учун ваколатли органлар ушбу соҳада назоратни амалга оширмоқда. Масалан, глобал тармоқда хизмат кўрсатиш провайдери бўлиш ва халқаро ахборот ресурсларидан фойдаланиш, интернет-кафе, интернет-клуб очиш учун амалдаги қонунчиликка биноан лицензия олиш керак. Лицензия бериш институти техника воситаларидан қонунга хилоф ахборотни тарқатиш, уруш, зўравонлик ва порнографияни тарғиб қилиш, диний ва миллий адоватни қўзғатиш, инсон қадр-қимматини камситиш, жиноий жавобгарликка тортиладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир этиш мақсадида фойдаланишга йўл қўймаслик учун ташкил этилган.

Шуни таъкидлаш керакки, юқорида қайд этилган лицензия олиш тартиби, жумладан, интернет-кафелар учун ҳозир анча соддалаштирилган. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида лицензиялаштириш ва стандартлаштириш бўлими фаолият кўрсатмоқда. Ушбу бўлим ходимларининг айтишича, лицензия шартномасини тузиш учун бор-йўғи бир нечта ҳужжат талаб қилинади ва уларни қабул қилишда энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида ҳақ тўланади. Тақдим этилган ҳужжатлар бир ой муддат ичида кўриб чиқилади ва беш йилга лицензия берилади.

Интернет-кафе эгалари хизмат кўрсатиш учун рухсатномага эга бўлгач, ўз зиммасига муайян мажбуриятларни олади. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Давлат алоқа инспекцияси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда ушбу мажбуриятларга риоя қилинишини назорат қилиб боради. Жадвалга мувофиқ режали текширувлар ташкил этилади. Масалан, жорий йилда Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекцияси томонидан интернет-кафелар фаолияти 3 марта режали текширувдан ўтказилди. «DETOKS MEDIKAL», «ALYANS-INFOTEKS» хусусий корхоналари ва «AFRUZ» хусусий фирмаси тасарруфидаги интернет-кафелар фаолияти текширилди. Лицензия берувчиларнинг аризасига биноан «DETOKS MEDIKAL» ва «ALYANS-INFOTEKS» фаолияти тўхтатилди. «AFRUZ» хусусий фирмасида ўтказилган рейд натижаларига кўра, мазкур корхона тегишли меъёрий ҳужжатлар билан таъминланмагани, техника воситаларининг мувофиқлик сертификати йўқлиги, бошқа операторлар (провайдерлар) тармоқлари орқали маълумотлар узатишнинг халқаро каналларига чиқиш бўйича лицензия шартномаси шартларига тегишли ўзгартишлар киритилмагани каби камчиликлар аниқланди. Аниқланган фактлар бўйича «AFRUZ» хусусий фирмаси раҳбарларига тақдимнома берилди ва камчиликлар бартараф этилди.

Афсуски, бошқа қонунбузарликлар ҳам учраб турибди. Айрим «учар тадбиркорлар» ўзбошимчалик билан ўз интернет-кафеларини очиб олмоқда. Мисол учун, 2009 йилнинг 9 ойида Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекцияси томонидан ўтказилган рейдлар натижасида тегишли лицензияга эга бўлмасдан интернет хизматларини кўрсатаётган 28 та хўжалик субъекти аниқланди. Лицензиясиз хизмат кўрсатаётган хўжалик субъектлари бўйича материаллар чора кўриш учун тегишли органларга тақдим этилди.

Кўп ҳолларда бундай муассасаларда иш тартибига риоя қилинмайди, уларнинг мижозлари ҳаддан ташқари шовқин-сурон солади, баъзида «ашаддий ўйин ишқибозлари» йиғилади. Бундай жойларда санитария талабларига ҳам риоя қилинмайди. Интернет-кафе ёки клублар жойлашган уйларда яшовчиларнинг хабарига биноан милиция участка инспекторлари тушган маълумотларни ўз вақтида текширмоқда, уларнинг эгалари билан профилактика суҳбатларини ўтказмоқда ва бундай қонунбузарликлар давом этаверса, қатъий чоралар кўрмоқда.

Айрим интернет-кафелар ярим тунда ҳам ишлайди. Чунки, бундай пайтда мижозларнинг тўлови анча камаяди. Бироқ бундай ҳолларда уларнинг эгалари жамоат тартибига риоя қилишлари даркор.

Таъкидлаш жонзки, бугун хусусий секторга ўз ташаббуси ва омилкорлигини намоён қилиши учун катта имкониятлар берилган. Тадбиркорларимиз ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини ривожлантирмоқда. Лекин бу борада ҳар бир одам, шу жумладан, тадбиркорлар ҳам бажариши лозим бўлган қонун-қоидалар мавжудлигини зинҳор унутмаслиги лозим.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

ТАЪЛИМ

САБОТ – ЙИГИТ ҚАЛҚОНИ

“Вояга етган ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш ўз конституциявий бурчини шунчаки адо этишдан иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур”, деган эди Юртбошимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида. Қувонарлиси, бугунга келиб фарзандларимиз учун аскар бўлиш, юрт қўриш, боболарнинг асрий анъаналарини давом эттириш шон-шараф ишига айланиб улгурди.



Мирсолиҳ – оилада тўнғич фарзанд. Шунинг учунми, болалигидан анча сипо, вазмин, етти ўйлаб бир кесишга одатланган. Бир ишга қўл уришдан олдин, албатта, унинг фойдали ва зарарли жиҳатлари ҳақида мулоҳаза юритади, ақл тарозисида тортиб кўради. Ана шу хислати сабаб ота-онаси унга ишонади, сингиллари, укаси ундан ибрат олишга интилади.

– Тўнғичим – менинг энг яқин ёрдамчим, ишонган тоғим, десам янглишмайман, – дейди Шаҳноза опа Музаффарова. – У табиатан меҳнаткаш, масъулиятни юракдан ҳис қилади, шунингдек, билимга ҳам ташна. Мактабда, ундан кейин касб-ҳунар коллежида фақат аъло ва яхши баҳоларга ўқиди, устозларидан у ҳақда фақат раҳмат эшитдик. Катта фарзанднинг шундай бўлгани яхши-да, сингиллар ва укалар унга ўхшашга интилишади.

Пойтахтимиздаги 116-умумтаълим мактабида таҳсил олган ўғлон 9-синфни тугаллагач, 1-Тошкент юридик коллежига ўқишга киради. Айтиш жоизки, айнан мазкур таълим масканида у келгусида қайси касбни танлаш хусусида аниқ қарорга келди.

Мирсолиҳ коллежда сабоқ берган устозлари ичида Давлат Эркабоевдан ниҳоятда миннатдор. Чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фанидан дарс берган бу инсон соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган ўзгаришлар, кенг кўламли ислоҳотлар тўғрисида, армия бугунга келиб том маънодаги ҳаёт мактабига айланиб улгургани, Қуролли Кучларимиз сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитларга катта эътибор қаратилаётгани хусусида атрофлича маълумотлар берар, ўқувчилар қалбида ҳарбийликка бўлган қизиқишни кучайтиришга ҳаракат қиларди. Мазкур сабоқлар таъсирида ўғлонда ҳам аскар бўлишга иштиёқ уйғонди.

У яхши ўқиш, хорижий тилларни пухта ўзлаштириш билан бир қаторда спорт билан ҳам мунтазам шуғулланишга вақт топа билди. Таниқли бокс мураббийи, халқаро тоифадаги спорт устаси Шуҳрат Исмоилов қўл остида машғулотларда қатнашган ўғлон ҳар томонлама чиниқди, бокс сирларини ўрганди. Иродали ва машаққатларга чидамли йигит қисқа фурсат ичида устоз ишончини оқлашга, мусобақаларда кўплаб ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

– Фаолиятим давомида кўп кузатганман: тайёргарлиги ва маҳорати етарлича спортчи иродасизлиги ёки ғалаба учун охиригача кураша олмаслиги сабаб баҳсни бой беради. Бошқасида шижоат, ғалабага бўлган иштиёқ маромида, ҳатто керагидан ортиқ бўладию, тайёргарлиги суст ёки ҳаракатларида муккаммаллик етишмагани боис у ҳам мағлубият аламини “тотиб” кўришга мажбур. Мен шогирдларим билан ишлаш жараёнида шу нарсани қайта-қайта таъкидлайман. Спортда эринчоқлик кетмайди, заиф жиҳатингни ёки зиғирдек хатоингни пайқаган рақиб бундан унумли фойдаланиб, ғалабани илиб кетиши мумкин. Шунинг учун машғулотларда кўпроқ машаққат чекиб, кўпроқ тер тўккан, маҳоратига тинмай сайқал беришга одатланган, муккаммалликка эришишни мақсад қилган спортчига омад кулиб боқади. Мирсолиҳдаги меҳнатсеварлик, муккаммалликка интилиш, сабот, ғалабага бўлган иштиёқ таҳсинга сазовор. Айнан шу хислатларни қарор топтирганлиги учун ҳам у кўп бора шоҳсупага кўтарилди, улкан натижаларни қўлга киритди, – дейди мураббий.

Ҳа, мураббийнинг таъкидлаганича бор. Устози берган маслаҳату ўгитларга қатъий амал қилган, сўнгги дақиқагача ғалаба учун курашишга одатланган ўғлон мусобақаларда биринкетин ғалабага эриша бошлади. 2005 йилнинг февралида ўсмирлар ўртасида шаҳар биринчилигида иштирок этиб, 54 кг вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, шу йилнинг март ойида Республика чемпионатида фахрли 3-ўринга сазовор бўлди. 2005 йилнинг ноябр ойида ўтказилган клублар ўртасидаги мусобақада ва 2006 йилда бўлиб ўтган шаҳар биринчилигида барча рақибларини ортда қолдириб, шоҳсупанинг юқорисига кўтарилди.

Коллежда ўқишни битиргач, у муддатли ҳарбий хизматга бориш учун туман мудофаа ишлари бўлимига мурожаат қилди. Бу ерда масъул офицерлар муддатли ҳарбий хизматга қабул қилишда жорий этилган кўрик-танлов хусусида батафсил ахборот беришди. Табиийки, маънан ва жисмонан шаклланган ўғлон мазкур довондан ортиқча қийинчиликсиз ўтди ва аскарликка муносиб, деб топилди.

Қаҳрамонимиз армияда ҳар томонлама чиниқди, тобланди. Унинг том маънодаги посбон, замонавий билимларни, ҳарб илмини пухта эгаллаган ҳарбий хизматчи бўлиб етишишида офицерлар – Акмалжон Ҳамдамов, Баҳодир Худойберганов, Содиқжон Холматов, Фарҳод Ғаниев, сержант Жонибек Баҳриевларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўз касбининг устаси бўлган соҳа фидойиларининг сабоқлари орқали Мирсолиҳнинг дунёқараши анча кенгайди, билимлари бойиди, ҳаётга теран нигоҳ ташлашга ўрганди. Армияда катта ҳайдовчи вазифасида хизмат қилган посбон ижтимоий-сиёсий, жанговар ва тактик тайёргарлик машғулотларида олган билимларини дала-ўқув машғулотларида синовдан ўтказди, билимларини мустаҳкамлади. Машғулотларда ҳамиша фаол бўлган, аълочи аскар сифатида командирлар назарига тушган ўғлон муддатли ҳарбий хизмат давомида “Ҳарбий спортчи” кўкрак нишонини ва энг илғор, билимли посбонларгина сазовор бўладиган тавсияномани қўлга киритди. Бу эса шунқорнинг муддатли ҳарбий хизматни шон-шараф иши, деб билганидан.

Келгусида мамлакат равнақи ҳамда фуқароларимиз ҳуқуқий маданиятининг юксалишига ҳисса қўша оладиган етук ҳуқуқшунос бўлишга аҳд қилган. Ҳаёт мактабида тобланган, ўз олдига қўйган эзгу мақсадларига бирин-кетин эришиб келаётган йигитнинг бу орзуси ҳам ушалишига ишонамиз.

Абдуллоҳ НИЁЗОВ.
Муаллиф суратга олган.

ПРИУМНОЖАЯ СЛАВНЫЕ ТРАДИЦИИ

«Родина – мать, умей за нее постоять», – говорится в народе.

Защита родной земли – обязанность всех людей, особенно военных.

Профессия офицера – дело мужественных, сильных людей, готовых в час опасности защитить Родину.

Чтобы стать офицером нужно к этому себя готовить: иметь хорошую физическую подготовленность и крепкое здоровье. Эти качества поможет воспитать Ташкентский военно-телекоммуникационный академический лицей.

Основная задача военного лицея – организация качественного обучения учащихся в соответствии с утвержденными общеобразовательными программами в рамках государственного образовательного стандарта среднего специального, профессионального образования, подготовка преданной Родине молодежи, воспитанной в духе высокой гражданственности и приверженности идеалам демократии, духовным и историческим ценностям нашего народа, привитие им высокой культуры, развитие у учащихся физической подготовки, силы, ловкости, выносливости, а также выработка у воспитанников сознания общественного и воинского долга, готовности к защите независимого Узбекистана.

В военно-академический лицей на конкурсной основе принимаются учащиеся, успешно закончившиеся девятый класс общеобразовательных школ Республики Узбекистан. Обучение ведется на государственном и русском языках. В лицее учебно-воспитательный процесс осуществляется в строгом соответствии с требованиями государственного образовательного стандарта, учебных планов и программ, предусматривающих военно-профессиональную ориентацию учащихся и их дальнейшее обучение в высших военных и гражданских образовательных учреждениях.

Особое внимание отводится изучению точных, социально-гуманитарных и военно-прикладных предметов.

Преподаватели и личный состав военного лицея в своей воспитательной и образовательной работе стараются дать всестороннее развитие будущим защитникам Родины, воспитывать их грамотными, сформированными, эрудированными людьми, такими, в которых нуждается наша независимая Республика.

Выпускники военного лицея в дальнейшем становятся курсантами военных училищ, расположенных на территории Республики Узбекистан и стран СНГ.

Для качественного обучения и воспитания наш лицей располагает современным учебным корпусом, прекрасно оборудованным спортивным залом, общежитием и столовой.

Ташкентский лицей имеет свои славные традиции. Ежегодно 1 сентября – в день Независимости Республики Узбекистан – воспитанники лицея принимают участие в празднований этой даты в Национальном парке им. Алишера Навои.

Каждый год в День Памяти и почестей возлагается гирлянда Памяти на памятник Скорбящей Матери, проводятся встречи с участниками Второй мировой войны, а также известными писателями, поэтами, выдающимися людьми нашей Республики.

Регулярно в лицее проводятся спортивные и культурно-массовые мероприятия, благодаря которых представители нашего учебного заведения достойно защищают честь лицея не только в Республике, но и за ее пределами. Среди воспитанников есть кандидаты в мастера спорта, призеры республиканских и международных, спортивных соревнований. В частности, воспитанник первого курса Жахонгир Мухитдинов стал обладателем трех золотых медалей республиканского первенства по легкой атлетике среди юниоров, проведенного в сентябре текущего года в городе Самарканде. Он также завоевал первое место на международном турнире, проведенном в октябре 2009 года в Бишкеке. Воспитанник третьего курса Олег Сидоров стал победителем конкурса, посвященного дню Памяти и почестей, и стал обладателем путевки – поездки по «Золотому кольцу России».

Воспитанники военного лицея регулярно посещают театры и концертные залы г. Ташкента, такие как театр им. Аббора Хидоятова, им. Мукими, Русский драматический театр им. Горького.

Главными задачами воспитательной работы является воспитание у лицеистов высокого чувства патриотизма, понимания общественного и воинского долга, любви к Родине, готовности к защите своего Отечества – независимой Республики Узбекистан.

Муяссар КОМИЛОВА,
ведущий преподаватель Ташкентского военно-телекоммуникационного академического лицея.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллиги муносабати билан Тошкент юридик коллежида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати» мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ва қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда Конституциямизнинг ҳаётимиздаги аҳамияти, маъно-мазмуни ҳамда ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтиришдаги ўрни хусусида сўз юритилди.

Бош қомусимизда ҳар ким билим олиш, мулкдор бўлиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга ва ҳар бир фуқаро, оила давлат ҳимоясида эканлиги, инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари кафолатланган.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар юртимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани, Бош қомусимизни чуқур ўрганиш ва унга амал қилиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканини алоҳида таъкидлади.

Х. САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

СПОРТ

Трамполин. Чемпионат мира

ХИЛЬКО – СНОВА ПРИЗЕР!

Продолжает радовать нас своими успехами бронзовый призер пекинской Олимпиады лейтенант Екатерина Хилько. На этот раз она с одноклубницей из МХСК Анной Савкиной стала бронзовым призером чемпионата мира, проходившего в Санкт-Петербурге.

В состязаниях спортивных пар в синхронных упражнениях наш дуэт уступил в упорной борьбе только соперницам из Китая и Канады, заняв третью строчку в мировой «табели о рангах».

Это достижение еще больше укрепило авторитет спортсменов Узбекистана на мировой арене, стало еще одним ярким свидетельством эффективности проводимой в нашей стране в годы Независимости курса на укрепление здоровья нации, пропаганды здорового образа жизни.

Подполковник Рауф ХАМИДОВ.

Мотокросс. Чемпионат Узбекистана

В ЛИДЕРАХ – НАВОИЙЦЫ

В Алмалыке завершился финальный этап чемпионата Узбекистана по мотокроссу, традиционно проводимый под эгидой Центрального Совета Организации содействия обороне «Ватанпарвар». В соревнованиях приняли участие 96 спортсменов, представлявших 12 сильнейших областных организаций ОСО «Ватанпарвар».

В классе мотоциклов с объемом двигателя 85 куб. см победителем стал Шевкет Сулейманов из Алмалыкского горно-металлургического комбината (АГМК). Второе место у Владислава Жилина (Зарафшан), а третьим был представитель навоийской дружины Григорий Торбенков.

В классе 125 куб. см призовую тройку составили Алексей Заднов (Навои), Денис Перцев (Ташкент), Эрвин Хлюсий (Ташкентская обл.). В соревнованиях в гонках на мотоциклах с коляской с объемом двигателя 750 куб. см поздравления с победой принимала команда Навоийской области – экипаж в составе Вячеслава Шипкова и Рашида Каримова. Вторым был тандем из Сурхандарьи – Хамид Каракулов – Садык Очилов. Третий результат показали Ильхам Шарипов с Талибом Исаковым (Джизакская область).

В заключительном виде программы на мотоциклах с мощностью моторов 500 куб. см первым финишировал Андрей Сазонов (Ташкентская обл.), который обыграл всего на одно очко ташкентца Александра Кондрашова и Алексея Заднова из Навои.

В других группах машин лучшими стали: класс «чизет свободный» – Александр Кондрашов (Ташкент); класс «чизет стандартный» – Изет Кобилов (Навои).

Все победители соревнований были отмечены специальными дипломами и медалями. В командном зачете первенствовала дружина Навоийской области. Второе место занял коллектив Ташкентской области. Третье – гонщики города Ташкента.

Бахром ХАТАМОВ.

Дзюдо

МҲСК ВАКИЛИ – СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Дзюдо юртимизда кенг ривожланган спорт турларидан бири ҳисобланади ва спортчиларимиз жаҳон спорт ареналарида ҳам катта муваффақиятларга эришиб келишмоқда. Жумладан, Пекинда бўлиб ўтган Олимпиадада терма жамоамиз аъзолари биттадан кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишган эди. Ҳозирда эса дзюдочиларимиз 2012 йилда Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада мусобақаларига жиддий тайёргарлик кўриб, янада юксак марраларни эгаллашни мақсад қилишган. Улар жорий йил мобайнида ўтказилган бир қанча йирик халқаро мусобақаларда ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

Хусусан, яқинда Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида дзюдо бўйича Гран-при мусобақалари бўлиб ўтди. Ушбу йирик халқаро турнирда қиррқа яқин мамлакатдан ташриф буюрган энг кучли спортчилар иштирок этди. Кескин ва муросасиз ўтган баҳслар якунига кўра, терма жамоамиз аъзолари 1 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалига сазовор бўлишди. Жумладан, 90 кг вазн тоифасида баҳс олиб борган ҳамюртимиз Дилшод Чориев барча рақибларини дорга қолдириб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Энг кучли дзюдочиларимиздан бири А. Тангриев (+100 кг) ҳам шу натижага яқин турган эди, аммо у финал баҳсида мисрлик Ислом ал-Шахабига имкониятни бой берди ва кумуш медалга сазовор бўлди. 66 кг вазн тоифасида гиламга чиққан У. Норқобилов ҳам фақат финалда мағлубиятга учраб, кумуш медаль соҳибига айланди.

МҲСК вакили лейтенант Ришод Собиров ҳам мазкур нуфузли мусобақада муваффақиятли иштирок этди. 60 кг вазн тоифасида баҳс олиб борган Ришод якуний натижага кўра бронза медалига сазовор бўлди ва терма жамоамиз муваффақиятига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

С. ПЎЛАТОВ.

Баскетбол. Чемпионат Узбекистана

ПЛЮС ТРИНАДЦАТЬ, НО ТРЕНЕР НЕДОВОЛЕН...

На прошлой неделе в баскетбольном центре МХСК завершились игры первого тура чемпионата Узбекистана, в котором в группе «А» хозяева площадки одержали верх над всеми соперниками.



Армейцы изначально считались фаворитами группы, ведь они – многократные чемпионы страны. Однако сейчас команда переживает непростой период смены поколений, когда молодежи необходимо на самом высоком уровне доказывать свою состоятельность. Это нашло свое отражение и в результатах первого тура. Если над командами Узбекского национального университета и «Университет» (Бухара) наша команда имела подавляющее преимущество, что отразилось и в счете 112:42 и 110:54, то с командой Ташкентского государственного технического университета матч сложился напряженно. На табло после финальной сирены горели цифры 87:62.

Без потерь подошла к встрече с МХСК лишь команда «Южанин» из Навои, по сути, главные конкуренты армейцев. Они переиграли ТГТУ 98:65, УзНУ 93:49 и «Университет» 100:74. Так что последний матч тура был игрой за первое место в группе.

Тем временем в группе «Б» первое место заняла команда «Нукус» из Каракалпакстана, выиграв у команды Андижанского государственного университета (71:59), Центра подготовки олимпийского резерва (ЦПОР) из Самарканда (78:71), «Наманган» (80:68), уступив лишь команде Республиканской школы высшего мастерства (РШВСМ). Но команде РШВСМ, составленной из игроков молодежной сборной страны, не удалось зацепиться за вторую позицию после двух поражений.

Этот матч с «Южанином» стал испытанием не только для молодых игроков МХСК, но и своего рода тестом на тренерское умение также молодого наставника армейцев Батыра Миродилова. Конечно, вполне комфортно дебютировать в роли старшего тренера, имея за спиной таких маститых помощников, как майор Олег Левин и заслуженный тренер Узбекистана Александр Адисман. Но волнение все же присутствовало. И после матча, который МХСК выиграл со счетом 90:77, Миродилов не спешил поздравлять своих подопечных с победой, а подверг жесткой критике за слабые действия в обороне.

Впрочем, следует признать, что даже с молодежным составом МХСК на протяжении всего матча ни разу не уступил инициативу, ведя с комфортным перевесом в очках. Традиционно хорош был в подборе и завершении атак неувядаемый Зиннур Хабибуллин, удавались фланговые проходы Хурмату Нуралиеву, умело выдававшему пасы для точного броска товарищам. Сильно сыграл и Александр Яхин, однажды он буквально «перевисел» в воздухе соперника и забросил мяч в корзину.

Претензии тренера были вызваны отчасти тем, что армейцы увлекались игрой в атаке и часто пропускали длинные передачи в отрыв. Сергею Башкевичу хотелось точно таким же пасом через всю площадку наказать «южан», однако передача не прошла. Но сама попытка достойна того, чтобы отметить. Этот молодой игрок поначалу не мог вписаться в игру, но потом ему удалось сделать несколько очень симпатичных проходов и пасов, хладнокровно забивать штрафные.

Конечно, без самоотдачи и настойчивости в защите ветеранов Нуралиева и Хабибуллина, трехочковых бросков Денисова запаса в тринадцать очков могло бы и не быть. Поэтому строгая отповедь тренера вполне справедлива. К тому же именно она, эта неудовлетворенность и вечная заряженность на максимум, вселяет надежду на прекрасные перспективы молодежи МХСК, у которой от игры к игре словно вырастают крылья.

Второй тур чемпионата Узбекистана пройдет в Бухаре.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **автора.**

Картинг. Кубок Узбекистана

КОМАНДА ХАМЗИНЦЕВ – СИЛЬНЕЙШАЯ

На картодроме Ташкентской объединенной технической школы (ТОТШ) завершился кубок Узбекистана по картингу. В соревнованиях, организованных Республиканским центром технических и прикладных видов спорта Организации содействия обороне Узбекистана «Ватанпарвар», участвовало 107 спортсменов из 14 сильнейших клубов. Среди них представители учебных спортивно-технических клубов Сабир-Рахимовского, Хамзинского, Чиланзарского районов столицы, Ташкентской объединенной технической школы, «Узбек карт», Ангренской автошколы и клуба Алмалыкского горно-обогатительного комбината (АГМК).

Участники соревновались в семи классах. На микроавтомобилях с объемом двигателя 50 куб. см выступали самые юные от 7 до 13 лет. Первое место завоевал Эмин Талыбов из Хамзинского УСТК, оставивший позади Сергея Ковалева (Чиланзарский УСТК) и Даниила Алымова (Сабир-Рахимовский УСТК).

Лучшим в классе «Интерконтиненталь-С» стал Владимир Ущека, представлявший клуб АГМК. Следом за ним финишировали Нариман Мирхамидов (ЮМС) и Тимур Ниязов (Хамзинский УСТК).

В классе машин до 250 кубометров не было равных Сергею Багдасарову из Янгиерского УСТК. В тройке сильнейших также наманганец Олег Куликов и Дмитрий Богомолов из АГМК.

В других группах машин лучшими стали: класс 60 куб. см – Артур Коробкин (Ангренская автошкола); класс 125 куб. см (юниоры от 17 лет и старше) – Владислав Базин (Сабир-Рахимовский УСТК); класс «Союзный» – Джамол Мирхасилов (ТОТШ); класс «Восток» – Егор Аношин (Наманган ОЦТ и ПВС).

Все победители соревнований были отмечены специальными дипломами и призовыми кубками. В командном зачете первенствовала дружина УСТК Хамзинского района. Второе место занял коллектив Алмалыкского горно-металлургического комбината. Третье – гонщики Янгиерского УСТК.

Х. БАХРОМОВ.

СПОРТ

Пулевая стрельба: Кубок Узбекистана

СТО ИЗ СТА – ОТ ЯНЫ ФАТХИ!

На открытом Кубке Узбекистана, проведенном с 17 по 20 ноября на стрельбище МХСК, самый высокий результат показала армейская спортсменка, рядовой по контракту Яна Фатхи. В одной из серий в стрельбе из пневматической винтовки она выбила сто очков из ста возможных!

Да и по сумме серий результат был равен нормативу мастера спорта международного класса. Это говорит о решительном настрое Яны перед предстоящим в декабре чемпионатом Азии по пулевой стрельбе.



– Если Яне удастся повторить это достижение в столице Катара Дохе, то она вполне может рассчитывать с ним на медали чемпионата континента, – говорит главный тренер сборной Узбекистана по пулевой стрельбе, старший тренер МХСК младший сержант Наталья Долбилина. – И вообще, эти состязания порадовали рядом высоких результатов членов национальной сборной страны перед стартами в Катаре.

Возвращаясь к тому самому упражнению ВП-4, хочется подчеркнуть, что здесь острая борьба развернулась между армейскими спортсменками. Вот как выглядит победная поступь рядового по контракту Яны Фатхи: 99-97-100-99. Эти цифры говорят сами за себя. Отрадно, что даже с такой солидной форой Яна не позволила себе расслабиться, выбив в финальной серии 97 очков.

Вот и судьба второго места решилась только в перестрелке между младшим сержантом Еленой Кузнецовой и Сакиной Мамедовой. Лена до финала набрала на два очка больше, но в финале уже Сакина стреляла очень метко, набрав 98 очков и догнав подругу. В перестрелке нервы оказались крепче у Елены, Сакина первым же выстрелом выстрелила в «восьмерку».

– В принципе, я довольна результатом, – говорит в беседе с нами младший сержант Елена Кузнецова. – Надеюсь, что я смогла сберечь эмоции, чтобы у меня пик формы пришелся именно на чемпионат Азии в Катаре.

Что ж, осталось ждать недолго. Возможно, Лена, как искушенный стрелок, оказалась права, не выкладываясь на внутренних стартах.

Порадовали мужчины в стрельбе из пистолета. В упражнении ПП-3 сумел наконец-то правильно настроиться на стрельбу наш мастер спорта рядовой по контракту Артем Чернышев. Он набрал вместе с финалом сумму 674 очка, выбив в финале 97 из ста. На пять очков отстал от него динамовец Сергей Возмищев. А замкнул первую тройку лидеров молодой армеец Азиз Мухамедрахимов с суммой 664 очка. Вся эта троица будет защищать честь страны на чемпионате Азии. Буквально на два очка отстал от бронзового призера триумфатор Азиатских игр в Хиросиме-94 майор Энвер Османов.

Артему удалось взять реванш у Сергея за поражение в упражнении МП-6, стрельбе из матчевого пистолета на 50 метров. Более солидное расстояние до мишени и поправка на ветер существенно отличают эту стрельбы от той, что ведется в закрытом помещении. Оттого и результаты здесь скромнее. Сергей Возмищев победил с суммой 545 очков, причем стрелял очень стабильно: 88-90-91-91-93-92, а вот у Артема были заметные перепады: 93-90-89-82-93-90. По нарастающей шли серии у третьего призера майора Энвера Османова: 85-87-90-89-87-94. Это говорит о том, что даже в условиях минимальной практики участия в состязаниях опыт Османова дает о себе знать.

В стрельбе из женского пистолета на 25 метров в упражнении МП-5 весь пьедестал почета оказался армейским. С суммой 370 очков победила Мария Теплова, второе место у Анастасии Беловой (366 очков) и третье у Татьяны Рахимовой – (359 очков). Да, воспитанница ферганской школы стрельбы Настя Белова пополнила ряды стрелков МХСК.

Высокий класс стрельбы показал один из опытнейших армейских стрелков младший сержант Роман Голощапов. В упражнении МВ-9 из мелкокалиберной винтовки Рома набрал 586 очков, у его одноклубников Андрея Журавлева и Павла Савинич 577 и 576 очков. В упражнении МВ-5 среди женщин победу праздновала Сакина Мамедова с суммой 565 очков, у младшего сержанта Елены Кузнецовой 560, и третье место с суммой 545 очков заняла рядовой по контракту Яна Фатхи.

В упражнении МВ-6 среди мужчин Андрей Журавлев сумел превзойти своих одноклубников с суммой 1134 очка. Павел Савинич набрал в 12 сериях выстрелов 1127 очков, а младший сержант Роман Голощапов – 1097. Всего на три очка отстал от него товарищ по команде Дмитрий Бахтияров.

И, наконец, в последний день состязаний за медали поспорили девушки в упражнении ПП-2.

Лучше всех томительное ожидание выдержала юная Ленара Асанова из Самарканда. 17-летняя воспитанница тренера Ольги Шурыгиной набрала 367 очков и заняла первое место. Всего на два очка отстала от нее Анастасия Белова и третий результат показала Маша Теплова.

– Приятно, что перед чемпионатом Азии Ленаре удалось так прилично выступить, – комментирует итоги стрельбы главный тренер сборной страны Наталья Долбилина. – Ведь именно ей, а также Равшану Кашапову и Маше Филимоновой предстоит на чемпионате Азии в Катаре бороться за лицензии на Первые молодежные олимпийские игры, которые пройдут в будущем году в Сингапуре.

Вообще, по словам наставника главной команды нашей страны, молодежь на открытом Кубке Узбекистана порадовала. Например, очень хороший рост показала девочка из Наманган Нилуфар Худайбердыева. Так что у нынешних лидеров подрастает достойная смена.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **автора.**

Легкая атлетика.
Чемпионат Азии

ДВЕ МЕДАЛИ АРМЕЙСКИХ АТЛЕТОВ

На чемпионате Азии по легкой атлетике, завершившемся недавно в китайском городе Гуанчжоу, свою весомую ленту в копилку национальной сборной внесли армейские атлеты.

Чемпионкой континента по семиборью стала служащая Вооруженных Сил Юлия Тарасова, набравшая превосходную сумму в 5840 баллов. Серебряную медаль чемпионата Азии завоевала младший сержант Надия Дусанова, прыгнув в высоту на 190 сантиметров.

Вполне мог рассчитывать на медаль и младший сержант Леонид Андреев, но нашему десятиборцу помешала травма плеча. В прыжках с шестом Леонид покорил высоту 545 сантиметров, причем такую же высоту смогли покорить второй и третий призеры состязаний. Вся разница состояла в том, что Леня взял эту высоту со второй попытки, а дальше прыгать не смог в связи с болью травмированной руки.

По словам старшего тренера МХСК по легкой атлетике сержанта Анвара Кучмурадова, успешное выступление на чемпионате Азии дает лицензию для участия в Кубке мира. Досадно, что такой талантливый спортсмен, как Леонид Андреев из-за травмы не попал на эти престижные соревнования.

Наш корр.

Бокс. Чемпионат Узбекистана

УДАЧНАЯ СТАВКА

В отсутствие первых номеров национальной сборной страны, находящихся в эти дни на сборах в Янгиабаде, командование МХСК решило бросить в бой молодые резервы. И эта ставка на молодежь оправдала себя: десять медалей различной пробы привезли бойцы из Джизака!

Открытием турнира стал 18-летний Шахрух Хужабеков, впервые выступавший на взрослом чемпионате. По словам старшего тренера МХСК по боксу майора Уйгуна Сиддикова, Шахрух блестяще провел все бои, став чемпионом Узбекистана в весе до 57 кг.

Чемпионами страны стали также Орзубек Шоимов (54 кг), Фазлиддин Гаибназаров (60 кг), Камолиддин Ахмедов (64 кг) и Азамат Эргашев (69 кг). В весовой категории до 60 кг финал выдался чисто армейским: соперником Гаибназарова стал рядовой по контракту Баходир Мамажанов, чемпион Всемирных военных игр в Индии. Кроме Баходира, серебряными призерами стали также Адхам Казаков (48 кг) и Рафикжон Султанов (51 кг). Кстати, Рафикжон в финале уступил бывшему одноклубнику Шахриеру Исакову, бронзовому призеру Всемирных военных игр.

В активе Олима Назарова (51 кг) и Батыра Базарова (60 кг) бронзовые медали чемпионата.

Первый состав национальной сборной Узбекистана на сборах в Янгиабаде готовится к состязаниям в Баку.

Соб. инф.

ҚАЙДНОМА

ҚЎЛ ЖАНГИ. Қарши шаҳрида қўл жанги бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Уч вазн тоифасида профессионаллар ва тўққиз вазн тоифасида ҳаваскор спортчилар ўртасида ўтказилган баҳсларда Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Таиланд, Буюк Британия, АҚШ, Испания каби давлатлардан ташриф буюрган 400 га яқин маҳоратли қўл жанги усталари медаллар учун рингга кўтарилдилар. Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон, Навоий, Қашқадарё ва бошқа вилоятлар вакиллари алоҳида жамоалар сифатида иштирок этдилар.

Профессионал спортчилар ўртасидаги ҳал қилувчи жангда ҳамюртимиз Шуҳрат Минавваров АҚШ вакили Вашингтон Сайресни муддатидан олдин соф ғалаба билан мағлубиятга учратди ва 78 кг вазнда Осиё чемпиони камари соҳибига айланди.

Уч кун давом этган муросасиз жангларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Ж. Абдувоҳидов, Р. Магдиев, Б. Раҳматов, Ш. Абдураимов, С. Ўртаков, Э. Акбаров ва М. Холтўраевлар ўз вазн тоифаларида Осиё чемпиони камарини қўлга киритдилар.

***

ФУТБОЛ. Жорий йилнинг 8–16 декабрь кунлари Марат Кабаев мураббийлиги остидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионати саралаш баҳсларида иштирок этади. Қуръага кўра, Покистон, Эрон, Туркманистон ва Ливан ёшлари билан «Д» гуруҳидан ўрин олган футболчиларимиз учрашувларни Покистоннинг Лахор шаҳрида ўтказишлари лозим эди. Аммо мазкур мамлакатдаги нотинч вазият туфайли ОФК Покистонни мезбонлик ҳуқуқидан маҳрум этган ва шу гуруҳдаги бошқа мамлакатларга мезбонлик таклифини юборган эди.

Куни-кеча ушбу гуруҳ ўйинлари ўтказиладиган давлат номи маълум бўлди. Эрон пойтахти Теҳрон шаҳри ОФК таклифини қабул қилганини ва баҳсларни ўз майдонларида ўтказишга розилигини билдирди. Эслатиб ўтамиз, баҳслар натижасига кўра гуруҳда 1–2 ўринларни эгаллаган жамоалар Осиё чемпионати финал босқичи йўлланмасини қўлга киритади.

***

ДЗЮДО. Ливанда бўлиб ўтган дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё биринчилигида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари медаллар шодасини қўлга киритдилар.

Тажрибали мураббий Фарҳод Тўраев шогирдлари – Азизбек Қурбонов, Суннатилла Азимов, Бобур Аловуддинов ҳамда Гулноза Матниёзова олтин медалга сазовор бўлишди.

Беҳзод Сахатов, Сардор Нуруллаев, Достон Шарипов ва Шаҳноза Усмоновалар кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Улуғбек Азизов, Муҳаммад Ҳайдаров, Комил Бўстонов, Шоҳруҳ Қўчқоров, Заҳириддин Сафаров, Қодир Иброҳимов, Темур Азизов, Кристина Ковалёвалар кучли учликдан жой олдилар.

***

ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ. Бухоро шаҳрида чим устида хоккей бўйича хотин-қизлар олий лига жамоалари ўртасида мамлакат кубоги баҳслари якунланди.

Мусобақаларда Бухоро вилоятидан «Ситора» ва 4-ихтисослашган Олимпия захиралари спорт мактаби, Самарқанд Олимпия захиралари спорт коллежи, Андижон ихтисослашган Олимпия захиралари спорт мактаби ҳамда Наманган вилоятидан «Учқўрғон» жамоалари ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Баҳслар қизғин ва муросасиз кечди. Қатор йиллардан буён юксак маҳорат кўрсатиб келаётган «Ситора» қизлари бу гал ҳам ғолибликни қўлга киритишди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Ойбек Патиддинов шогирдлари шу йил ёзида бўлиб ўтган мамлакат чемпионатида ҳам олтин медалга сазовор бўлган эди.

***

ШАХМАТ. Тошкентда ўтказилган навбатдаги Республика турнирида етмишдан ортиқ ёш шахматчи иштирок этди.

«Олтин куз» деб номланган ушбу мусобақада иштирокчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс олиб бордилар. Қизиқарли ва муросасиз равишда кечган баҳслар натижасига кўра «А» гуруҳида пойтахтлик Улуғбек Тиллаев биринчи ўринни эгаллаган бўлса, сирдарёлик Отабек Ҳайлаев иккинчи, пойтахтнинг яна бир вакили Искандар Орипов эса учинчи ўринни банд этди.

«В» гуруҳида Тошкент шаҳри вакиллари Олимжон Ҳакимов, Азизбек Абдуллаев, Константин Кияткин ва Аброр Равшанбековлар ғолиб деб топилди.

***

САМБО. Грецияда ўтказилган самбонинг жанговар йўналиши бўйича жаҳон чемпионатида терма жамоамиз вакиллари – Ўғилжон Рўзметова 56 килограмм вазн тоифасида кумуш медални қўлга киритган бўлса, Шавкат Жўраев, Равшан Тўрақулов, Қодир Султонов, Илҳом Сотволдиев ва Элдор Ғуломов бронза медалга сазовор бўлди.

***

БАДИЙ ГИМНАСТИКА. Пойтахтимиздаги «Миробод» спорт мажмуасида ўтказилган халқаро турнирда 150 дан ортиқ ёш спортчи иштирок этди. Пойтахтлик Лайли Иброҳимова, Комила Гареева, Милена Гордиенко, Евгения Ларионова, Елена Ким, фарғоналик Дария Волкова, бухоролик Зарина Ниғматова, Сарвина Холиқова, Дария Свечникова ва озарбайжонлик Ругия Сатарова, Меҳбара Мансурова ғолиб чиқди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни пойтахтликлар эгаллаган бўлса, иккинчи ва учинчи ўрин бухоролик ва озарбайжонлик спортчиларга насиб этди.

МАДАНИЯТ







ШОД ЎТАР ҲАР ОНИМИЗ

Ҳур диёр фарзандимиз истиқбол эгалари,
Гўзал юрт қучоғида шод ўтар ҳар онимиз,
Мағрур қадам ташлаймиз нурли келажак сари,
Орзумизга қанотдир Ватанимиз — шонимиз.

Ҳа, ҳур Ватан фарзандларининг ҳар они шодхуррамликда ўтмоқда. Чунки истиқболимиз эгалари камол топиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, мактабгача таълим муассасаларида бўлганингизда буни янада яққол ҳис қиласиз.

Яқинда Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги Марказий офицерлар саройи ҳузурида ташкил этилган «Қизалоқ» миллий рақс дастаси ҳамда «Радник» болалар рақс гуруҳи аъзолари болалар боғчасида бўлишди. «Қизалоқ» дастаси тез-тез мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига турли дастурларини тақдим этаётгани, маданий тадбирларини ўзига хос анъанага айлантираётгани мақтовга сазовор.

Боғча болажонлари рақс гуруҳларининг ҳар бир чиқишини қизиқиш ва олқишлар билан қарши олишди. Хусусан, миллий рақслар барчага бирдек манзур бўлди.

«Қизалоқ» рақс дастаси аъзоларини суҳбатга тортаман:

– Беш йилдан буён «Қизалоқ» миллий рақс дастасига қатнашиб келаман, – дейди Лайло Нурмуҳамедова. – Устозим Нигора опадан кўплаб миллий рақслар ва Шарқ халқлари рақслари ижросини ўргандим.

– Биримиз тўрт, биримиз беш ёшдан бошлаб шу рақс дастаси аъзоси бўлдик, – дейди опа-сингил Зилола ва Нигина Абдуллаевалар. – Мана, олти йил давомида «Дўппи тикдим», «Ковушим», «Атиргул», хоразмча бир қатор рақсларни, шунингдек тожикча, ҳиндча, арабча рақсларни ўрганиб, мухлисларга намойиш этаяпмиз.

– Менинг энг юксак орзуим «Тановор» рақсини ўрганиш, – дейди 3,5 ёшдан бошлаб гуруҳда рақс сирларини ўрганиб келаётган Насибахон Бахтиёрова. – Чунки бу рақс ижроси менга жуда ёқади. Ҳозирда болаларга хос бир қатор миллий ва дунё халқлари рақсларини устозлардан ўрганиб келаяпман. Мақсадим, келажакда элимга санъатим билан хизмат қилиш.

Қизалоқлар билан суҳбат давомида рақс дастасининг бир қатор иқтидорли аъзолари Зулфия Муҳамадумарова, Азиза Собирова, Раъно Муҳаммадовалар билан ҳам-суҳбатлашиб, уларнинг санъатга меҳри баландлигини ҳис қилдик.

Боғча тарбияланувчиларининг яна бир меҳмони – «Радник» рақс гуруҳи эса кўплаб мухлисларга эга, десак янглишмаймиз. Чунки гуруҳ аъзолари катта давраларда ўз санъатини намойиш этиб улгуришган. Боғча болажонлари ҳузурида бўлган ушбу гуруҳнинг иқтидорли аъзолари Назиля Маччанова, Давид Хигай, Настя Горностаева, Борис Бондарлар устозлари Ирек Хабибулиндан эгаллаган вальс сирларини мухлисларга намойиш этиб, олқишларга сазовор бўлишди.

– Рақс гуруҳларининг ташрифидан тарбияланувчиларимиз жуда шод бўлишди, – дейди боғча мудираси Гулнора Жўраева. – Албатта, болажонларга бундай қувноқ давралар жуда ёқади. Жамоамиз номидан ҳар икки рақс гуруҳига ўз миннатдорчилигимизни билдираман.

Бахтиёр болаликни тараннум этувчи ҳар бир қўшиқ ва рақс фарзандлар маънавиятига ижобий таъсир этади. Шундай экан, бундай тадбирлар болажонларнинг Ватанга муҳаббат руҳида камол топишларида катта аҳамиятга эга.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Обуна–2010

«ВАТАНПАРВАР» — БАРЧАМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМИЗ

Мудофаа вазирлиги қисм ва муассасаларида 2010 йил учун газета ва журналларга, шу жумладан, «Ватанпарвар» газетасига жамоавий ва якка тартибда обуна бошланди.

Ижтимоий-сиёсий, ахборот-таҳлилий газета ҳисобланган «Ватанпарвар» ҳафталиги республикамиздаги ягона ҳарбий нашр бўлиб, унинг саҳифалари орқали сиз мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган турфа янгилик ва ҳодисалар, миллий истиқлол мафкураси ва ғоясига асосланган долзарб мавзулар, ёшлар масалалари, оила ва маиший ҳаётга оид ибратли воқеалар, одоб-ахлоқ ва буюк аждодларимизнинг бетакрор маънавий-маърифий меросларидан, қадриятлар, юртимизда, Қуролли Кучларимизда кечаётган изчил ислоҳотлар, фан, маданият ва спорт борасидаги туркум мақолалардан баҳраманд бўласиз.

Обуна кампаниясини ўтказиш даврида барча даражадаги командирлар, муассасалар бошлиқлари, тарбиявий ишлар органлари офицерлари жойларда ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» газетасининг шахсий таркибни ахборот билан таъминлаш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз ёшларида юксак маънавий, ахлоқий сифатларни, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдаги аҳамияти борасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Жамоавий ва якка тартибдаги обуна масаласини ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар кенгашларида, муддатли ҳарбий хизматчилар шахсий таркибининг йиғилишларида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари чақирилувчиларнинг ота-оналари, яқинлари, хизматни ўтаётган ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилаётган фуқаролар ўртасида ҳам «Ватанпарвар» газетасини кенг тарғиб қилиши тавсия этилади.

«Ватанпарвар» газетасига обунани яқин масофада жойлашган почта бўлимларида 6 ойдан кам бўлмаган муддатга нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали расмийлаштириш лозим.

Обуна кампаниясини белгиланган муддатлар ичида ўтказиш ва уни жорий йилнинг 20 декабригача якунлаш тавсия қилинади.

«Ватанпарвар»даги турфа ранглар камалак жилосидек кўзингизни қувонтирса, ранг-баранг мавзулар, мақолалар қалбингизни нурафшон этади.

Нашр кўрсаткичи — 114.



ВАТАНПАРВАР

Муассис — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
Учредитель — Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ — кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: майор А. КАМАЛОВ, кичик сержант А. ОЧИЛОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. Адади 24000.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № Ж-84-83.